

З.К. ИСМАИЛОВА, Р.С. МУСАЕВ,
А.А. ШОЮСУПОВА

ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИПЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

З. К. ИСМАИЛОВА, Р. С. МУСАЕВ,
А. А. ШОЮСУПОВА

**ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ – 2008

Ўқув қўлланма институтнинг 2007 йил 7 июлдаги
Илмий Кенгаши томонидан чоп этишга тавсия этилган
(баённома № 9)

УДК 378 (001.85)

Тақризчилар: *П. Т. Магзумов, ТАЙИ „Педагогика,
психология“ кафедраси профессори, н.ф.д.*

*Р. З. Асомова, ТИМИ „Педагогика,
психология ва ўқитиш методикаси“
кафедраси доценти, н.ф.н.*

Мазкур ўқув қўлланма касбий таълим йўналиши бўйича
бакалавр тайёрлаш ўқув режасига биноан тузилган бўлиб,
унда ўқигишига аньянавий ва замонавий ёндашувлар, педагогик
технология, ҳамкорликда ўқитини технологияларини жорий
этишнинг илмий-услубий асослари ёритиб берилган. Замонавий
таълимда қўлланилаётган педагогик технологиялар, компью-
терли ўқитиш, муаммоли ўқитиш ва модулли ўқитиш техно-
логиялари хусусида мулоҳаза юритлиган

Ўқув қўлланма 5140900 — „Касб таълими“ соҳа
йўналишлари бўйича таълим олаётган бакалаврлар учун
мўлжалланган.

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг „Узлуксиз таълим тизими ва турлари“ бўлимида икки босқичли олий таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш учун амалга ошириш зарур бўлган тадбирлар қаторида „янги педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда талабаларни ўқитишни жадаллаштириш; ўқитишни, мустақил билим олишни индивидуаллаштириш ҳамда дистанцион таълим тизими технологияси ва воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш“ ҳақида сўз юритилган.

Ушбу тадбирларни амалга ошириш ўқитишни такомиллаштириш, яъни ўқув жараёнига педагогик технологияларни кенг татбиқ қилиш, компьютерли автоматлаштирилган ўқитиш тизимини қўллаш, таълимда янги техникавий ва дидактик воситалар ҳамда мультимедия имкониятларидан фойдаланиш, масофадан ўқитиш таълимини жорий қилиш каби ўқитишнинг замонавий технологияларини қўллаш орқали бажарилади.

Ривожланган мамлакатларда янги педагогик технология аста-секинлик билан шаклланиб, Ўзбекистон Республикасига ҳам кириб кела бошлади. Янги педагогик технология дарс жараёнида талабаларни мустақил фикрлаш, эркин фаолият юритишга даъват этади. Педагогик технология асосида машгулот ўтиш, дарс жараёнида замонавий техник воситалар, компьютерлар, видеокомпьютерли мультимедия комплексларини қўллаш, мустақил таълим олишда интернетдан самарали фойдаланиш

билим, кўниқма ва малакаларни чуқур эгаллашга, ўқитиш жараёнини жадаллаштиришга олиб келади.

Сўнгги йилларда республикамизнинг таниқли педагог олим ва ўқитувчилари томонидан ўқув жараёнига педагогик технологияларни жорий этиш бўйича самарали изланишлар олиб борилмоқда. Педагогик технология тушунчаси илмий мақолалар, даврий нашрлар, анжуманлардаги мавзуу ва ҳисоботларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Жумладан, республикамиз олимлари — Р. Х. Жўраев, А. П. Парпиев, Н. Х. Саидаҳмедов, У. Н. Нишоналиев, Б. Л. Фарберман, Л. В. Голиш, У. Х. Толиповлар ҳамда Россия педагог олимлари — В. П. Безпалько, М. В. Кларин, В. М. Монахов, П. И. Пидкастийлар, шунингдек, қозогистонлик олимлар — М. Ж. Аристанов, Ж. С. Хайдаров ва бошқалар ўз илмий тадқиқотларида „педагогик технология“ тушунчасининг моҳияти ва аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Мазкур қўлланма кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқсан ҳолда педагогик тизимни такомиллаштириш ва ахборот технологияларини таълим-тарбия жараёнига муваффақиятли татбиқ этиш муаммоларини таҳлил килишга йўналтирилгани билан аҳамиятлиdir.

Ҳозирги кунда педагогика адабиётлари, таълим муаммоларига оид маъruzалар ва расмий ҳужжатларда „янги педагогик технология“, „илгор педагогик технология“, „замонавий педагогик технология“, „ўқитиш технологияси“, „таълим технологияси“ каби иборалар кенг қўлланмоқда. Аммо ушбу тушунчалар ҳали бир қолингга туширилмаган ва энциклопидияларда изоҳланганича йўқ. Бу иборалар мазмунининг ягона талқини ишлаб чиқилмаган ва шунинг учун уларнинг бир-биридан фарқланувчи кўпгина таърифлари мавжуд.

„Педагогик технология“, „ұқитиш технологиясы“, „таълим технологиялари“ ибораларининг мазмунини ва фарқларини таҳлил қилиш, үрганиш муҳим вазифалардандир.

ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРЙ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Таълимга анъанавий ёндашув

Педагогика фани амалиётида турли ёндашувлар қўлланилади. Анъанавий ёндашув, тизимли ёндашув, технологик ёндашув шулар жумласидандир.

Анъанавий ёндашувнинг асосий хусусияти — ўқитувчи ахборотни гапириб беради, талаба эса бу билимни хотирасида сақлайди, „билим“ тушун-часига хотирада сақланадиган ахборотдир, деб қаралади. Талабанинг билими ахборотга доир берилган саволга ёддан берган жавобига қараб аниқланади. Билим, асосан, эсда қолдиришнинг натижасидир. Бундай билим хотирада узоқ сақланмайди.

Ҳозирги пайтда анъанавий таълим бўйича катта тажриба тўпланган ва анъанавий таълим усулини такомиллаштириш соҳасида изланишлар давом этмоқда, лекин унинг объектив имкониятлари чекланган. Амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар, тез суръатда ривожланаётган фан-техника талаблари таълим усули билан жамиятнинг рақо-батдош, юқори малакали кадрлар тайёрлашга, баркамол авлодни шакллантиришга бўлган эҳтиёжи ўртасида тафовутни вужудга келтирди. Уни таълимда бошқа янги ёндашувларни қўллаш йўли билан ҳал этиш лозим.

Таълимга тушунтирув-тасвирий ёндашув

Таълимда анъанавий ёндашувлар қаторига тушунтирув-тасвирий, репродуктив усуллар киради.

Тушунтирув-тасвирий ёндашув, асосан, ўқитувчинг ахборот бериши, талабаларнинг бу билимни қабул қилишлари, тўплашлари ва хотирада сақлашлари билан белгиланади. Шу билан бирга „билим“ тушунчалигининг асл моҳияти хотирада сақланувчи ахборотдир, деб қаралади. Бундай билимлар уларни қўллай олиш кўникмалари орқали имтиҳонларда текшириб кўрилади, яъни ҳеч қандай қўлланмасиз хотирадаги билимларни тўғридан-тўғри саволларга жавоб тарзида ифода этилади. Бу тизимдаги билимлар, асосан, эса сақлаб қолиш натижаси, кўпинча, расмий маълумотдир. Улар хотира тубидан юзага келади ёки бошқача сўз билан айтганда, фақат унга қаратилган тўғридан-тўғри савол орқали эста олинади. Қайта эста олиш даражасидаги билим узоқ вақт хотирада сақланмайди.

Маълумот бериш тизимида тайёр билимларни „ўқитувчидан — талабаларга“, уларнинг эҳтиёжи ва фаоллик даражасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бевосита бериш мумкин бўлган имкониятидан келиб чиқади. Шунга кўра, зарурый ахборотни маълум қилиш ва уни хотирада мустақкамлаш устида ишлаш ўқитувчининг асосий вазифасидир.

Бундай ўқув жараённида ўқув предмети соатлари миқдори, маъруза, лаборатория ва амалий машгулотлар бўйича соатлар тақсимоти, дарс ўтиш жойи қатъий белгилаб олинади. Лекин педагог масъулиятига оид таълим натижалари деярли ҳисобга олинмайди.

В. Гузевнинг таъкидлашича, анъанавий услубда таълим мақсадлари дастур талабларига мувофиқ ҳолда ноаниқ, яъни таълим олувчиларнинг „ўзлаштириш“ тушунчаси қобигига ўралган ноаниқ тасаввур билан

тавсифланади. Кўнроқ ютуқларга эришган ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини умумлаштириш асосида таълим жараёнлари ташкил этилади. Ҳар бир аниқ вазият учун мана шу ўқитувчиларнинг педагогик фаолияти намуна сифатида кўрсатилади, аммо бир қатор олимлар таълимнинг алоҳида услубиётлари даври ўтганлиги ва ҳар қандай илгор педагоглар тажрибаларини умумлаштириш тизимли ва мақсадга йўналтирилган, самарали таълимни қуриш имконини бермаслигини таъкидламоқдалар.

Ҳозирги кунда қўпгина мутахассислар анъанавий педагогикани танқид қилган ҳолда ўқитишда ҳалигача умумий тушунчалар, қоида ва қонуниятлар ўрганиладиган ёндашув устуворлигини таъкидламоқдалар. Ўқувчиларнинг реал дунё обьектлари билан ишлалари ҳажм ва мазмун жиҳатидан жуда кам. Етакчи таълим соҳаларини ўрганиш, одатда, ўқув маълумотларининг катта ҳажмини ўзлаштириш билан чекланади.

Анъанавий ўқитиш тушунчаси кўп йиллар давомида педагогика адабиётларида янги ўқитиш усулларига зид қўйилган. Бунда анъанавий ўқитишнинг одатдаги тавсифи қуйидаги асосий аломатлар билан тавсифланади:

- янги материалнинг деярли ҳаммаси ўқитувчи томонидан оғзаки баён қилинади;
- дарслик, асосан, мустақил иш учун қўлланилади;
- аудитория машгулотлари пайтида дарсликлар айрим ҳолларда педагог тушунтиришларидан ўқувчилар дикқатини бузмаслик мақсадида қўлланилмайди: кўпинча, дарсликдан уйда ҳам фойдаланилмайди, унинг ўрнини дарс пайтида тузилган конспект босади;
- билимларни текшириш, асосан, машгулот вақтининг сезиларли қисмини эгаллайдиган шахсий оғзаки сўровлар ҳамда узоқ муддатларда ўтказиладиган

назорат ишлари ёрдамида амалга оширилади. Охирги йилларда объектив тестлар ҳам кенг тарқалди;

— машгулотлар пайтида аксарият ҳолларда ишнинг фронтал усули қўлланади, мустақил ишнинг нисбий миқдори жуда кам.

Бундай ўқитиш тизимининг энг жиддий камчилиги — талабаларнинг машгулотлардаги пассивлиги ва бундан келиб чиқадиган унинг салбий оқибати. Айрим ўқувчиларнинг фаоллик даражаси жуда паст.

Тушунтирув-тасвирий информацион рецептив усулнинг моҳияти унинг қўйидаги аломатлари билан тавсифланади:

— билимлар талабаларга „тайёр“ ҳолда тақдим этилади;

— ўқитувчи турли йўллар билан бу билимлар қабул қилинишини ташкил қиласди;

— ўқувчилар билимларни қабул қиласдилар ва уларнинг маъносини англайдилар, ўз хотираларида сақлаб қоладилар.

Билимларни қабул қилиш пайтида информацияning турли манбалари (сўз, кўргазмалик ва бошқалар) қўлланади, баён мантиги ҳам индуктив, ҳам дедуктив йўл билан ривожланиши мумкин.

Педагогнинг бошқарув фаолияти, кўпинча, фақат билимларни қабул қилиб олишни ташкил қилиш билан чекланади ва олинган билимлардан фойдаланиш моҳияти ва кўникмалари доим ҳам шакллантирилмайди.

Масалан, агар педагог ташкил қилган билим олиш фаолияти фақат тайёр билимларни эслаб қолиш ва кейинчалик уларни хатосиз, айрим ҳолларда тушунмасдан ҳам тиклашга олиб келса, бу ақлий фаолликнинг паст даражаси ҳисобланади ва унга мувофиқ ўқитишнинг репродуктив усули мавжуд.

Таълимнинг репродуктив усулида қўйидаги аломатлар ажralиб туради:

- ўқитувчи билимларни „тайёр“ ҳолда, фақат баён қилиш билан чекланмасдан, уларни тушунтиради;
- ўқувчилар билимларни тушуниб ўзлаштирадилар. Ўзлаштиришнинг мезони — олинган билимларни тўғри тиклаш (репродукция)дир;
- ўзлаштиришнинг мустаҳкамлиги информациини кўп марта такрорлаш орқали таъминланади.

Шундай қилиб, ўқитишининг репродуктив тури ўқувчига маданий-тарихий қадриятларни, анъаналарни таълимнинг тайёр мазмуни орқали ўзлаштиришга қаратилган. Бугун ҳам ўқув дастурлари, дарслер ва методик қўлланмаларнинг кўпчилиги ўрганилаётган фан усуллари орқали ҳақиқатни ўзлаштиришга эмас, балки фан бўйича информацияни ўзлаштиришга қаратилган.

Мана шу қамчиликларга қарамасдан тушунтирув-кўргазмали усул кам куч сарфлаб, билим ва кўникмаларнинг каттагина ҳажмини ўзлаштириш имконини беради. Билимлар мустаҳкамлиги уларни кўп марта қайтариш имконининг мавжудлиги туфайли юқори бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда репродуктив ўқитиши иккинчи даражали деб қарамоқда. Лекин аксарият одамларайнан репродуктив меҳнат билан шуғулланишади, акс ҳолда жамият ўз-ўзини энг зарур нарсалар билан таъминлай олмас эди. Ўқитища тарбияланувчиларнинг репродуктив фаолияти асосий ўринни эгаллаши лозим, фақат шу шарт бажарилганда зарурӣ билимларни ўзлаштириш ва бу орқали ижодга замин яратиш мумкин.

Шундай қилиб, намуна бўйича фаолият усулини тиклаш ва такрорлаш репродуктив усулнинг асосий аломатларидандир. Педагог оғзаки ва ёзма нутқдан фойдаланади, ўрганувчилар эса тайёр намуна бўйича топшириқларни бажарадилар.

Ҳозирги олий таълимда қўлланилаётган ўқитишининг асосий ташкилий-услубий репродуктив шакли амалда ўйлаш, фикр юритиш жараёнлари ривожланишига тўсқинлик қиласди ва бўлажак мутахассисда ўз-ӯзига ва танлаган касбий фаолиятига тўлиқ ва кенг қарашлар тизими шакланишини таъминламайди.

Барча турдаги мактабларга қўйиладиган энг муҳим талаб ва илмий-техникавий, ижтимоий тараққиётиниг қатъий шарти — ижодий шахс сифатларини ривожлантириш. Ижодий фаолиятнинг асосий турлари таҳлили шуни кўрсатадики, уни мунтазам равиша амалга ошириш орқали инсонда ўзгарувчан шароитларда ўзини йўқотмаслик, муаммони аниқ қўриш ва унинг янгилигидан қўрқмай фикр юритиш, ихтирочилик, сезгирилик каби сифатлар шаклланади. Бундай сифатларга ҳозир ҳам талаб катта, кейинчалик эса эҳтиёж бундан ҳам ошиб боради. Шу мақсадда замонавий ўқув жараённида репродуктив усул билан бир қаторда продуктив ва қидирув-ижодий усувларни ҳам қўллаш керак.

Таълимга продуктив ва изланувчан ёндашув

Ўзлаштиришнинг продуктив даражаси ўзлаштирилган билимларнинг намунавий масалаларини ечиш учун мустақил равиша ўзгартериш қобилияти билан тавсифланади. Бу тайёр намуна ёки қоида эмас, балки ўқувчи ўзи тузган алгоритм бўйича бажарилган ҳараткат. Одатда, бу натижани олдиндан қўрища фараз қилиш мумкин бўлган аниқ масала шартларига мослаштирилган маълум қоидалар бирикувидир. Бу ўқувчининг ўзлаштирган маълумотини амалий соҳада маълум масалаларни ечиш учун қўллай олиши ва янги субъектив маълумотни олиши билан тавсифланади.

Продуктив усул қуйидаги афзалликларга эга:

- мантикий фикр юритишга, муаммоларни илмий, ижодий ечишга ўргатади;
- зарурий билимларни мустақил ижодий излашга ўргатади;
- учраган қийинчиликларни бартараф этишга ўргатади;
- ўқув материалини исботлироқ қиласы;
- ўқув материални чукурроқ ва мустаҳкамроқ ўзлаштиришга ёрдам беради;
- билимлар ишончта айланишига құмаклашади;
- ўқишиңа нисбатан ижобий ҳисларни ҳосил қиласы;
- билимга қизиқынни шакллантиради ва ривожлантиради;
- ижодий шахсни шакллантиради.

Лекин продуктив усулларни муваффақиятли құллаш учун ўқытувчининг педагогик малакаси юқоригоқ бўлиши лозим. Муаммовий машгулотни ўтказиш учун ҳам, уни тайёрлаш учун ҳам кўпроқ педагогик меҳнат талаб қилинади.

Изланувчан ёндашувнинг мақсади ўқувчиларда муаммони ҳал этиш, янги тажрибани мустақил ўзлаштириш, таъсири этишининг янги йўлларини яратиш қобилияtlарини, шахсий идрокни ривожлантиришдан иборатdir.

Олий таълимда ҳанузгача тушунтириш-кўргазмали ёндашув усулидан фойдаланилади, бу талаба хотирасида олинган билимларни жамгариш ва мустаҳкамлашдан иборатdir.

Продуктив усулларга нисбатан репродуктив усулларнинг кўпроқ қўлланиши ижодий шахсга бўлган талабларни пасайтиради, шунингдек, ўқув масалалари талabalарга келажакни лойиҳалашга құмаклашиш ўрнига ўтмишни ўрганишига ундаиди.

Мугахассис кундалик фаолиятида кўп нарсаларни кимдир эришган даражада, яъни тайёр стереотиплар

(андозалар) бўйича бажаради. Лекин стереотиплардан (андозалардан) фарқланадиган ҳолатлар мавжуд бўлиб қолса, у янги ечимларни қабул қилиб ҳаётга татбиқ этишга мажбур.

Мутахассиснинг маҳорати хотираси асосида маълум рецептлар бўйича фаолият кўрсатадиган даврларга қараб эмас, балки кўп учрамайдиган бўлсада, янги ечимларни излаган пайтлар бўйича аниқланади. Айнан мана шу кам учрайдиган ҳоллар содир бўлган муаммолардан чиқиб кетиш учун ҳодисалар ва воқеалар моҳиятини чуқур тушуниш ва назарий билимлар талаб қилинади.

Демак, мутахассиснинг асосий вазифаси — хотирасидан мавжуд ечимларни излаб топа олиш, булар йўқлигига эса оптималь қарорларни қабул қилиш ва ҳаётга татбиқ этишдир.

Мутахассис сифатини белгилайдиган асосий масала — ечимни топа олишидир ва айнан шу фаолият унинг ривожланишини таъминлайди.

Ҳозирги айrim танқидчилар ўқувчилар замонавий илмий билимнинг динамик тавсифини акс эттирмайдиган тайёр ва ўзгармас шаклда оладиган таълим мазмунига қарши чиқмоқдалар.

Одатда, одам билишни истаган, унга эҳтиёжи бўлган нарсаларни муваффақиятли ўзлаштиради ва хотирасида сақлаб қолади. Маълумот бериш асосида тузилган ўқув жараёни эса бу эҳтиёжни таъминлайди. Натижада тез ёддан чиқиши, қизиқишини йўқотиш, мустақил, ижодий фаолият кўрсатиш учун қобилиятларни етарли даражада ривожлантирмаслик каби ҳолатлар рўй беради, шунингдек, ўз фаолитига пассив муносабатни тарбиялайди.

Ўқув жараёнига технологик ёндашиш юқоридаги камчиликларидан холи бўлиб, ўқув мақсадларининг аниқ белгиланиши, якуний натижаларнинг кафолатланиши, ўқув жараёнининг такрорланувчалигини

таъминлаши ва тезкор қайтарувчи алоқанинг мавжудлиги билан тавсифланади.

Технологик ёндашувда ўқувчи дарс жараёнида фаол қатнашади.

Таълимга тизимли ёндашув

„Тизим“ сўзи — тузилма, қисмлардан тузилган, битта яхлит нарса ёки ҳодиса маъноларини англатади. Шунингдек, кибернетик тизим, ахборотлар тизими, ҳаракатлар тизими, педагогик тизим каби тушунчалар шаклида ҳам қўлланилади. „Тизимли ёндашув“ тушунчаси, кўпинча, „тизимли метод“, „тизимли таҳлил усули“ тушунчалари билан узвий болглиқ. Чунки тизимли таҳлил усуллари ҳам обьектни яхлит тизим сифатида ўрганишни назарда тутади, у обьектнинг турли қисмларини, қисмларнинг ўзаро боллиқлигини, тизимнинг чегаралари ва унинг атрофмухит билан боллиқлиги, алоқадорлигини таъминлайди.

Тизимли ёндашувда бир қанча қоида-принциплар мажмуидан фойдаланилади. Улар тадқиқотчилик ва амалий фаолиятда юқори натижаларга эришиш имкониятини яратади. Бундай қоида-принциплар қаторига қўйидагилар киради: мавҳумликдан аниқликка қараб бориш, анализ билан синтез, мантиқийлик билан тарихийликнинг бирлиги; обьектда боянишлар ва ўзаро таъсирларнинг турличалиги; обьектнинг тузилиши, вазифалари ва келиб чиқиши ҳақидаги тасаввурларнинг бирлиги ва ҳоказолар.

Педагогик тизим — инсонни баркамол шахс, бирор қасб эгаси сифатида шакллантирувчи яхлит ижтимоий-педагогик ҳодиса бўлиб, унинг таркиби педагогик жараённинг обьектлари ва субъектлари, шакл-усуллари, улар ўртасидаги муносабатлар, уларни бошқаришдан иборат.

Тизимнинг фаолияти уни ташкил этувчи ҳар бир элементга ва, ўз навбатида, ҳар бир элемент бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Таълим жараёнини бир тизим деб қарайдиган бўлсақ, унинг ташкил этувчи-лари, яъни элементларига қўйидагилар киради:

- ўқув мақсади;
- кутилаётган натижалар;
- ўқитувчи;
- ўқувчи;
- таълим мазмуни;
- таълим методи;
- таълим шакли;
- таълим воситалари;
- назорат ва баҳолаш.

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда юқорида санаб ўтилган элементлардан бирортаси эътибордан четда қолса ёки нотўгри таанланган бўлса, тизим ишламайди ва таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга эришилмайди.

Таълимга технологик ёндашув

„Технология“ юонича сўз бўлиб, „технос“ — *маҳорат, санъат, „логос“ — фан, таълимот маъноларини* англатади. „Технология“ тушунчаси — тайёр маҳсулот олиш учун ишлаб чиқариш жараёнларида қўлланиладиган усул ва методлар мажмуи ва шундай усул ва методларни ишлаб чиқарувчи ҳамда такомиллаштирувчи фан сифатида таърифланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг таркибий қисми бўлган материалларни қазиб олиш, ташиш, сақлаш ва ҳоказолар ҳам технология дейилади. Шунингдек, технологияга ишлаб чиқариш жараёнининг тавсифи, уларни бажариш бўйича қўлланмалар, техник қоидалар ва талаблар, графиклар ҳам киради. Саноатда ишлаб

чиқариш соҳасида юзлаб технологик лойиҳалар яратилган. Агар техник хужжатлар талабларига амал қилинса, ишни ким ва қаерда бажарганидан қатъий назар, маҳсулот сифати ва натижаси кафолатланади.

Подласийнинг таъкидлашича, „Технология яратилгунга қадар шахсий маҳорат хукмронлик қиласиди. Кейинчалик шахсий маҳорат „жамоа маҳоратига“ айланади ва унинг мужассам ифодаси бўлиб технология хизмат қиласиди“. Қуйидаги жадвалда шахсий маҳорат ва умумий технологиянинг қиёсий тавсифи келтирилган (1- жадвал).

1- жадвал

Шахсий маҳорат	Умумий технология
1. Жараён бошидан охиригача ходим томонидан бажарилади.	1. Жараён бўлакларга ажратилади, ҳар бир ходим ўз бўлагини бажаради.
2. Жараёнга доир барча билим ва икир-чикирларни билиши зарур.	2. Фақат ўзига бириклирилган жараён қисмини билиши зарур.
3. Барча ишни ўзи бажарини лозим.	3. Барча ишни қилишини инкор этувчи „тайёр ишланмалар тағбиқ этилади“.
4. Жараён давомли (узок).	4. Жараён бир мунча тезлашади.
5. Маҳсулот сифатли.	5. Маҳсулот сифати кам эмас.
6. Ички түйғу, сезги ва тажрибага асосланади.	6. Илмий асосланган ҳисоб ва билим.
7. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи имкониятлари билан чекланади.	7. Маҳсулот айрим ишлаб чиқарувчиларнинг имконияти билан чегараланмайди. Оммавий ишлаб чиқарипни уюштириши мумкин.

Технологияларнинг қўйидаги турларини изоҳлайди: техник технология, ишлаб чиқариш технологияси, гуманитар ва таълим технологиялари.

Техник технология қўйидагиларни билдиради:

- хомашё, материаллар, ярим фабрикатлар ёки маҳсулотларни олиш, уларга ишлов бериш ва қайта ишлаш йўллари ҳамда усулларининг йигиндиси (технологиянинг жараёнли-баёнли аспекти).

- юқорида кўрсатилган йўллар ва усулларни ишлаб чиқувчи такомиллаштирувчи фан. Технологиянинг фан сифатидаги вазифаси, моддий ресурслар ва вақтни энг кам сарфлашни талаб қиласидаги самарали ва тежамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ҳамда амалда қўллаш мақсадида қонуниятларни топиш (илмий аспект).

- жараённинг ўзи — қазиб олиш, топиш, ишлов бериш, қайта ишлаш, ташиш, омборга жойлаш, сақлаш ҳамда ишлаб чиқаришни техник назорат қилиш (технологиянинг жараёнли аспекти).

Ишлаб чиқаришда „технология“ сўзидан келиб чиқувчи қўйидаги тушунчалар ишлатилади:

Технологик жараён — ишлаб чиқариладиган маҳсулотта ишлов беришнинг ягона жараёнини ҳосил қилувчи технологик операцияларнинг йигиндиси.

Технологик операция — ишчи томонидан ўзининг иш жойида бажариладиган якунига етказилган ҳаракат кўринишидаги жараённинг бир қисми.

Технологик харита — маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқарувчи технологик операцияларнинг кетма-кетлигини баён қилувчи ҳужжат.

Технологик режим — технологик операцияларни амалга оширишни белгиловчи тартиб бўлиб, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда бажариладиган операцияларнинг вақти, шартларини белгилайди.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига қўчирадиган бўлсак, ўқитувчининг ўқитиш воситалари ёрдамида

ўкувчиларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни тезкор тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси бўйича ижтимоий ҳодисани педагогик технология дейиш мумкин.

Аммо ишлаб чиқариш тарзини педагогика фанига татбиқ этиш бирмунча мушкул. Бунга ўқув-тарбия-вий вазифалар, таълим-тарбия элементларининг, билимларни эгаллаш қонуниятларининг турличалиги, таълим олувчилар шахсининг индивидуал хусусиятлари, улар билиш фаолиятларининг ҳар хиллиги ва бошқа қатор омиллар тўсқиилик қиласи.

Л. В. Голиш таълим технологиясининг техник технологиядан келиб чиқсан ҳолда уч хил атамасини ифодалаб берган.

Педагогик технология — ўқув жараёнини технологиялаштиришни бутунлигicha аниқловчи тизимли категория.

Ўқитиши технологияси — биринчидан, педагогик технологиянинг жараёнли-ҳаракат аспектини англатади. Бу таълим жараёнини ўзгарувчан шароитларда, ажратилган вақт давомида истиқболлаштирилган натижаларга кафолатли эришишга ва конкрет таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишни инструментал таъминловчи, усул ва воситалар (технологик операциялар)нинг тартибли бирлигини ўзида мужассамлаштирган таълим моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг технологик жараёни;

Иккинчидан, педагогик технологиянинг жараёнли-баёнли аспектини ифодалайди. Бу мақсадни амалга ошириш ва истиқболда белгиланган натижаларга эришиш бўйича педагогик ҳамда ўқув фаолиятининг лойиҳасини бажаришнинг баёнидир (технологик харита).

Таълим технологияси — педагогик технологиянинг илмий аспектини белгилаш учун ишлатилади. Бу (фан

предмети) „техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларни оптималлаштириш вазифасини қўювчи, ҳамкорлигии ҳисобга олган ҳолда, дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули“ (ЮНЕСКО).

Кўнгина адабиётларда, мақолаларда „педагогик технология“, „ўқигиши технологияси“ бир хил маънода ишлатилиди. Ўқигиши технологияси педагогик технологияга яқин тушунча бўлса-да, айнан ўхшаш маънони англатмайди, чунки у маълум предмет, мавзу ва саволлар доирасидаги аниқ ўкув материалини ўзлаштириш йўлини муайян технология атрофига ифода этади.

Педагогик технология эса, маълумот технологиясини жорий этиш тактикасини ифодалайди ва „ўқитувчи — моддий муҳит — ўкувчи (талаба)“ функционал тизим қонуниятларига тегишли билимлар асосида қурилади.

Қуйидаги жадвалда (2-жадвал) таълимга замонавий ёндашишнинг анъанавий ёндашишдан фарқи ва унинг афзалликлари келтирилган.

2- жадвал

Таълимга анъанавий ва замонавий ёндашувларни таққослаш

Анъанавий ёндашув	Замонавий ёндашув
1. Асосий эътибор ўқитишнинг мазмунига қаратилган.	Асосий эътибор ўқитишнинг мазмунига ва жараёнига қаратилган.
2. Ўқитувчи — бошқарувчи, ўкувчи — етакланувчи.	Ўкувчи ўқув жараёнида фаол қатнашади.
3. Ўқув мақсадлари аниқ эмас.	Ўқув мақсадлари музокарада аниқлашиб, кутилаётган натижа орқали акс эттирилади.
4. Ўқитувчи билимларини монолог орқали етказади.	Ўқитувчи билиш жараёнида қатнашади ва диалог, полилогларни қўллайди.

5. „Мен биламанки...“ ёндашувига ургу берилади.	„Мен биламан қандай...“ ёндашувига ургу берилади.
6. Ўқувчи билимларни пассив ҳолатда қабул қиласди.	Ўқувчи билимларни фаол қабул қиласди ва ўзлаштиради.
7. Ўқитувчи тұғри жавобни формал ҳолатда талаб қиласди.	Ўқитувчи саволга турли хил жавобларни рагбатлантиради.
8. Машгулотларнинг „дастурланғанлығы“ ва қатый тузилмаси.	Машгулотлар ўқувчиларнинг талабларында қараб ташкил этилади.
9. Хатоларга „юқоридан пастта“ қаралади.	Икки томон ҳам ўз хатоларида тажрибасини оширади.
10. Ўқитувчи фаолияти, асосан, авторатор.	Ўқитувчи фаолиятининг усули рагбатлантирувчи, демократик.
11. Асосий эътибор назарияга қаратилган.	Эътибор назарияга қаратилған, аммо унинг асосий қисми амалиётта қаратилған.
12. Ўқитишга ўқув фани бүйічі функционал ёндапши.	Ўқитишга муаммовий фанлараро ёндапши.
13. Фаолиятнинг етарлы бүлмаган продуктив барқарор стеретиплари.	Құлланаёттан педагогик усул-нинг турли-туманлығы.

Шуни таъкидлаш лозимки, „педагогик технология“ни „ўқитиш технологияси“ түшунчаси билан аралаштирылмаслик зарур. Чунки педагогик технологияда ўқув жараёнининг аниқлаштирилған ўқув мақсадларини белгилашдан бошлаб то якуний ўқув натижаларына эришгандыкни назорат қилишгача бүлған жараён лойиҳаланади. Э. Френье „услуб“ түшунчаси конструктив характерга эга бүлмаганлығы учун унинг ўрнига технология түшунчасини таклиф этган. Демек, ўқитиш технологиялари (муаммоли ўқитиш, ривожлантирувчи таълим, модулли ўқитиш, дидактик ўйинлардан фойдаланиш ва ҳоказо) педа-

тогик технология бўйича лойиҳаланган ўқув жараёнини амалга оширишнинг турли дидактик конструкциялари сифатида намоён бўлади.

Куйидаги жадвалда „педагогик тизим“, „таълим технологияси“, „ўқитиш технологияси“ ва „предметли методика“ тушунчаларининг ўзаро ҳамкорлиги ва қиёсий фарқи келтирилган (3- жадвал).

3- жадвал

„Педагогик тизим“, „таълим технологияси“, „ўқитиш технологияси“ ва „предметли методика“ тушунчаларининг қиёсий тавсифи

Педагогик тизим (ПТ)	Таълим технологияси (ТТ)	Ўқитиш технологияси (ЎТ)	Предметли методика (ПМ)
<p>Белгиланган сифатларга эга шахсни шакллантиришган, мақсадли ва олдиндан белгиланган педагогик таъсир кўрсатиш учун зарур бўлган ўзаро боғлиқлик воситалар, усувлар, жараёнлар бирлигидан иборат маълум бир будунлик.</p> <p>ПТ компонентлар:</p> <p>1. Таълим берувчи</p>	<p>Техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларни ўз ичига олган таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи, ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда, дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришининг барча жараёнларини яратиш, қўлаш ва белгилашнинг тизимли усуви.</p>	<p>Конкрет ўқувтарбия мақсадини амалга оширишни валистиқ болда белгиланган натижаларга эришиш кафолатини таъминлайдиган ўқув моделини ишлаб чиқиш ва амлга ошириш жараёни ҳамда унинг баёни (технологик харитаси).</p> <p>ЎТ структураси:</p> <ul style="list-style-type: none"> — усувлар, йўллар — воситалар — ўқитиш, ахборот ва бошли. 	<p>Педагогик фан соҳаси қўйидаги саволларга жавоб беради: нимага ўргатиш керак? Қандай ўқитиш керак? Қандай ўқиши керак?</p> <p>ПМ мазмунига қўйидагилар киради:</p> <ul style="list-style-type: none"> — ушбу иредметни ўқитиш вазифалари ва мазмuni

2. Таълим олувчи	ТГ структураси:	қариш шакллари	
3. Мақсадли	1. Концептуал асос.		
4. Натижавий	2. Мазмуний қисм:		
5. Ўқув ахборотининг мазмуни	— мақсадлар — натижалар — ўқув ахборолари		
6. Педагогик технология	3. Жараёнли қисм:		
— усуллар, йўллар	— усуллар, йўллар		
— воситалар	— воситалар		
— ўқитиши, ахборот ва бошқариш шакллари	— ўқитиши, ахборот ва бошқариш шакллари		
7. Назораттаҳлилий компонент			

Педагогик технологиялар таърифига бўлган турли ёндашувлар шуни кўрсатадики, ҳақиқатдан ҳам ўқитиш технологиялари фан, ишлаб чиқариш ҳамда ўқув-педагогик жараён оралигидан ўрин олади. Бу касбий дидактик тайёргарлик тизимидағи билимларнинг мустақил соҳаси бўлиб, у ўқитишнинг дидактик назарияси ва амалиёти билан чамбарчас боғланган ва ўқув фаолиятини бошқариш жараёнини лойиҳалаш функциясини ўзига қамраб олади. Ўқитиш технологияси таркибига ўқув жараёнини бошқаришнинг аниқ усуллари, бошқариш ва ўқитишнинг айни истиқболли тадбирлари ҳақидаги ҳам назарий, ҳам амалий билимлар киритилади. Ўқув жараёнининг бориши шароитларига мос равишда уларнинг изчиллиги белгиланади.

Ўқитиш жараёнига замонавий ўқитиш технологияларини, жумладан, компьютерли ахборот технологиясини, масофадан ўқитиш технологиясини, модул-

ли ўқитиш, дидактик ўйинлардан фойдаланиш, муаммоли ўқитиш, ақлий хужум технологияларини татбиқ қилиш мумкин. Мультимедиа имкониятларидан тұла фойдаланиб ўқитишни такомиллаштириш қуйидаги хусусиятларга эта бүлган малакали кадрларни тайёрлаш вазифасини бажаради:

- зарур билимларни мустақил тарзда олиш ва улардан турли муаммоларни ҳал этипда амалда фойдалана билиш орқали ўзгарувчан ҳаёттій шароитларга мосла-нувчанлик;
- мустақил тарзда танқилий фикрлаш, дуч келинадиган ҳаёттій муаммоларни олдиндан күра билиш ва уларни замонавий технологиялардан фойдаланған ҳолда ечиш йўлларини ахтара билиш;
- ахборотларни моҳирлик билан қайта ишилаш ва улардан оқилона фойдалана олиш;
- ўзининг ахлоқий, интеллектуал ва маънавий савиясини ривожлантириш устида мустақил ишлай билиш.

Бўлим юзасидан савол ва топшириқлар

1. Таълимга анъанавий ёндашишнинг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Анъанавий ўқитиш қандай аломатлар билан тавсифланади?
3. Тушунтирув-тасвирий усулнинг аломатларини тавсифланг.
4. Ренродуктив усулнинг аломатларини шарҳланг.
5. Таълимга продуктив ва изланувчан ёндашишнинг афзаллик ва камчиликларини шарҳлаб беринг.
6. Мутахассиснинг сифатини белгилайдиган асосий тавсифни айтинг.
7. „Тизим“ сўзининг маъносини тушунтириб беринг.
8. Таълим жараёнини ташкил этувчи элементларни санаб беринг.
9. „Технология“ атамасининг маъносини айтинг.
10. Педагогик технология, ўқитиш технологияси, таълим технологияси атамаларини шарҳлаб беринг.

ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

Педагогик технологиянинг ривожланиш тарихи

Сўнгти йилларда республикамизнинг таниқли педагог-олимлари томонидан ўқув жараёнига педагогик технологияни жорий этиш бўйича самарали изланишлар олиб борилмоқда. Педагогик технология тушунчаси илмий мақолаларда, анжуман маърузала-рида, даврий нашрларда ўз аксини топмоқда. Республикализнинг таиниқли олимлари Р. Х. Жўраев, У. Н. Нишоналиев, Н. С. Саидаҳмедов, Б. Л. Фаберман; Россия педагогик олимлари Б. П. Беспалко, М. В. Кла-рин, Н. Ф. Тализина, Л. М. Фридман, В. Сластёчин, Н. Н. Михайлов; Америка, Фарбий Европа ва бошقا давлатлар олимлари Б. Блум, Ж. Кэррол, Гольбрайт, Т. Сокомото ўз илмий тадқиқотларида „педагогик технология“ тушунчасининг моҳияти ва аҳамиятини очиб беришга муносиб ҳисса қўшганлар.

Ўқитишга технологик ёндашиш, яъни ўқув жараёнини ҳам ишлаб чиқариш жараёни каби тақрорланув-чан характерга эга бўлишини таъминлашга оид даст-лабки изланишлар XX асрнинг 50- йилларида америкалик педагог-олимлар томонидан олиб борилган. Хусусан, „таълим технологияси“ ибораси ҳам биринчи марта американлик олим Б. Скинер томонидан ишлабтилган. У „таълим технологияси — психология фани ютуқларини педагогик амалиётда қўллашдан иборат“, деб таърифлаган. Бу таърифга асосан шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда „педагогик технология“ тушунчасига „янги“, „илгор“, „прогрессив“ каби сўзларни қўшиб айтиш ҳам нисбийдир.

Тегишли адабиётларни таҳлил қилиш „педагогик технология“ тушунчаси ўзининг ривожланиши тарихига эга эканлигини кўрсатди. Хорижий мутахассислар бу тушунчанинг ривожланишини уч босқичга бўлиб ўрганиш лозим деб ҳисоблайдилар.

Биринчи босқичда ўқитиш жараёнини фақат ўқитувчиларнинг ўзи олиб борган. Н. Ф. Тализина таъкидлаганидек, „Инсон тажрибаси ўқитиш технологияси функциясини бажартган“.

Иккинчи босқичда эса, дарслик ва қўлланмалар чоп этила бошлагандан сўнг ўқитиш технологияси мазмунида туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўқитувчига ёрдам берувчи турли дидактик материаллар вужудга кела бошлади.

Учинчи босқичда эса, ўқитиш технологияси мазмун жиҳатдан янада бойиди, ўқитувчи ва талабалар учун юқоридагилар қаторига техник воситалар ҳамда ўргатувчи машиналар ҳам қўшилди.

Ўргатувчи машиналарнинг ўқув жараёнида қўлланниши натижасида дастурланган таълим тушунчаси вужудга келди. У педагогик технологиянинг дастлабки ўхшатмаси эди. Дастурлаштирилган ўқитиш — бу автоматик репититор бўлиб, у ўқувчини мантиқий ўзаро бояли, қисқа қадамлар орқали деярли хато қилдирмасдан, тўғри жавоб беришга йўллайди ва у ўз ўрнида баҳоланиб мустаҳкамланиши натижасида ўқитиш мақсадларини белгиловчи аниқ жавобларга кетма-кет равишда яқинлаштириб боради. Аммо бундай таълим жараёнида ўқитувчи шахсининг инкор этилиши сабабли дастурланган таълим ўтган асрнинг 60-йилларида ўқитишнинг аниқ мақсадларини белгилапнинг замонавий шакли бўлишига қарамай, фанда ва амалиётда узоқ вақт ўз ривожини топмади.

Шуига қарамай, ўша йилларда жаҳон педагогикасида техник воситалар, ахборот ситими ва ахборот ўтказиш

қобилияларини ошириш, ўқув ахбороти узатиш каналини индивидуаллаштириш каби таълим бериш имкониятларидан унумли фойдаланишни такомиллаштиришга оид муаммоларга алоҳида эътибор берила бошланди. Кўпчилик мутахассис олимлар ўқув жараённида кенг қўлланилаётган оммавий ахборот воситалари ўрнига ахборот сақлашнинг компьютерлаштирилган тизими, лазерли алоқа канали, микроэлектрон қурилмалар ва бошқа янги ахборот воситаларидан фойдаланишга ўтиш зарурлигини таъкидладилар. Ўқув жараёнига замонавий техник воситаларни қўллаш тарафдорлари ўқитиш сифатини яхшилаш айнан шу воситаларга боғлиқ деб ҳисоблайдилар.

Тегишли методик тавсиялар таълим жараённида техник муҳитни яратишга, яъни технология тушунчасини ўқитиш жараённида қўллаш масалаларига қаратилди. Дастрраб „компьютерли технология“ ва „янги ахборот технологияси“ каби тушунчалар вужудга келди. Булар педагогик технологияни амалга ошириш учун замонавий техник восита сифатида қўлланила бошланди.

Ўтган асрнинг 50- йиллари ўртасида жаҳон педагогикасида ўқув жараёнини тўла-тўқис янги, ўзига хос „технолигик“ усулда ташкил этишга ёндашиш вужудга келган эди. 60- йилларда эса, ўқитиш методларининг турли- туманлити, улардан ўқув жараёнини ташкил этишда фойдаланиш мураккаблик туғдираётганлиги эътироф этила бошланди. Шунинг учун ҳам ҳамма методлар учун умумий бўлган илмий асос яратиш зарурияти туғилди. Натижада педагогик методлар технологияси ёки ўқув жараёнини ташкил этиш технологияси, яъни таълим технологияси тушунчаси вужудга келди.

Ҳозирги кунда жаҳон педагогикасида педагогик технологияга турли хил таърифлар берилган:

„Таълим технологияси — илмий ва бошқа билимларнинг амалий масалаларини ҳал этишда системали равищда қўллашдан иборат“ (Гольбрайнт).

Педагогик технология „таълимни системалаштириш“ ёки „синфда ўқитишни системалаштириш“ тояларини педагогикага татбиқ этишдан иборат (Т. Сакомото).

„Педагогик мақсадга эришишда фойдаланиладиган барча инструментал ва методик воситаларнинг системалашган мажмуи ва уларнинг фаолият кўрсатиш тартиби“ (М. В. Кларин).

Педагогик технология тушунчасининг таърифи жуда кўп бўлиб, улар орасида ЮНЕСКО томонидан берилган қуидаги таъриф педагогик технологиянинг туб моҳияти ва унинг барча жиҳатларини очиб беради: „Педагогик технология таълим шаклларини оптималлаштириш учун инсон ва техника ресурсларини ҳамда уларнинг ўзаро таъсирини эътиборга олган ҳолда ўқитиш ва билимларини ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлашнинг тизимли методидир“.

Маълумки, ўқитиш методикаси кўп ҳолларда ўкув жараёнини ташкил этиш ва олиб боришга оид тавсиялар йиғиндисидан иборат бўлса, педагогик технология бундан фарқли ўлароқ, биринчидан, якуний натижани кафолатлайди, иккинчидан эса, бўлажак ўкув жараёнини ҳам лойиҳалайди.

Педагогик технология ўкув мақсадларининг аниқ белгиланиши, якуний натижаларнинг кафолатланиши, ўкув жараёнининг такрорланувчанилигини таъминлаш ва тезкор қайтарувчи алоқанинг мавжудлиги билан тавсифланади. Педагогик технологиянинг ушбу хоссалари ўкув жараёнини жадаллаштиришнинг асосий омили ҳисобланади.

Педагогик технологияда ўқитиш натижаси ўқитувчи шахсидан кўра кўнроқ талабага, унинг мустақил

үқишига бөглиқ бўлади. Ўқув жараёнида ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги тўгри ва қайтарувчи алоқа ўқитиш жараёнини индивидуал ўқитишга яқинлаштиради, яъни ўқув жараёнини индивидуаллаштиради.

Кафолатланган ўқув натижаларига эришиш мақсадларини лойиҳалаш

Педагогик технологиянинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвирлаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имкониятини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

Педагогик технологияни тушунишнинг асосий қалити — бу аниқ белгиланган мақсадларга қаратилганлик, таълим оловчи билан мунтазам ўзаро тўгри ва акс boglaniш каналлари орқали алоқани ўрнатиш, педагогик технологиянинг асоси ҳисобланган таълим оловчини хатти-ҳаракати орқали ўқитишилар. Ўзаро алоқа педагогик технология асосини ташкил қилиб, ўқув жараёнини тўлиқ қамраб олиши керак.

Маълумки, педагог жамиятда буюртмани умумий кўринишида олади. Ҳатто ўқув дастурларида белгиланган мақсадлар ҳам бир нечта тушунчалар билан чекланган. Бу ерда мақсадларни аниқлаштиришнинг ўзига хос кетма-кетлигини тузиш мумкин: жамиятнинг умумий талабларидан таълим тизими вазифаларига, улардан маълум ўқув юрти, ўқув предмети, унинг тематик бўлимлари ва алоҳида ўқув масалаларига ўтилади (4- жадвал).

Ўқув мақсадларининг тузилиши



Педагогик технология тарафдорлари айнан шу ҳолат, яъни анъанавий ўқитиши жараёни мақсадлари ноаниқ бўлиб, ўқитиши натижаларини ўлчаб бўлмаслигини қаттиқ танқид остига олганлар. Лекин анъанавий педагогикадаги бу ҳолатни ҳеч қандай танқид ўзгартира олмади, чунки ўқув юрти (у билан бирга ўқитувчи ҳам) ижтимоий талабни ўта умумлашган ҳолда олади. Демак, жамият таълим тизимига умумий тарзда баён этилиши табиийдир. Бу республикамиз таълим тизимини такомиллаштириш ва уни жаҳои андазаларига мувофиқлаштиришни қийинлаштирувчи мухим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, республикамизда таълим стандартларининг қабул қилиниши кадрлар тайёрлашдаги таълим мақсадларини аниқлаштиришни жамият миқёсида таъминлади.

Педагогик технология тарафдорлари таклиф этган ўқув мақсадларини аниқлаш усули ўзининг юқори

даражада ўта амалийлиги билан ажралиб туради. Ўқув мақсадлари ўқувчининг ишончли ўлчаш ва ташқаридан билиб олиш мумкин бўлган хатти-ҳаракатида ифодаланиб, улар ўқитиш натижалари орқали шакллантирилади. Щу билан бирга, ўқувчиларнинг бу хатти-ҳаракатларини ўқитувчи ёки эксперт аниқ кузатиб баҳолаши мумкин бўлади.

Педагогик технологияда назарда тутиладиган мақсадларни қўйиш услуби ўзининг ашёвий хусусиятига эга, яъни ўқитиш мақсадлари ўқувчилар ҳаракатида ифодаланадиган ва аниқ кўринадиган ҳамда ўлчанадиган натижалар орқали белгиланади.

Аксарият мамлакатларда ўқувчи ва ўқитувчи мақсадлари алоҳида-алоҳида белгиланади. Бу мантиқан тўғри, чунки ўқитип педагог ва ўқувчининг ўзаро ҳамкорликдаги фаолияти ҳисобланади. Бундай мақсадлар ўқитувчиининг фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда қўйилади (ўргатиш, тушунтириш, кўрсатиш, айтиб бериш ва ҳ. к.). Ўқувчининг ҳаракатларида ифодаланадиган натижалар эса таълимнинг вазифалари дейилади. Вазифа талабанинг хатти-ҳаракатии ифодаловчи атама билан ифодаланиши шарт.

Маълумки, феъллар умумий ёки аниқ маъно билдириши мумкин. Таълим вазифасини ифодалаш учун аниқ маъно билдирадиган феъллардан фойдаланиш лозим.

Таълим вазифаларини юқорида айтилган даражада ифодалаш айрим ҳолларда жуда мураккаб. Баъзи пайтларда ўқитиш мақсадларини алоҳида-алоҳида таркибий бўлакларга бўлиб, уларнинг таҳлилий натижасида таққосланувчи ўқув мақсадларини тузиш ва уларни тест топшириқларига ўтказиш қийин кечмайди. Баъзи ҳолларда эса қисмларга бўлиш ва уларни таҳлил қилиш қийин кечади, таққосланувчи ўқув мақсадини тузиш мумкин бўлса-да, уни бажариш ииҳоятда мураккаб.

Бундай ҳолларда, Б. Блум таксономиясига асосан, умумий мақсадлардан фойдаланиш мүмкин.

Таксономия түшүнчаси (грекча — *тартиб билан жойлаштириши*) биология фанидан олинган. Объектларни, уларнинг табиий ўзаро бөглиқлигига асосла-ниб ва тоифалари мураккаблашиб борадиган кетма-кетликда (яъни иерархик) жойлаштириш, туркумлаш ва системалаштириш **таксономия** деб аталади. Педагогик мақсадларни бундай схема бўйича тузишга биринчи марта АҚШ олимлари эътибор берганлар. 1956- йилда „Таксономиянинг биринчи қисми нашрдан чиқди. Унда ўқув мақсадларининг когнетив (билишга оид) соҳада ифодаланиши баён этилган. Когнетив соҳа — бу ўқилган материални эслаб қолиш ва уни такроран айтиб беришдан бошлаб, то ўзлаштирилган билимларни тўла англаб, уларни олдин ўрнатилган гоя, метод ва ҳаракат усуллари билан уйтунлаштириб тасаввур этиш ҳамда билимларни пухта эгаллашгача бўлган муаммоларни ҳал этишини ўз ичига олади.

Мақсадларнинг аниқ тартибли ва иерархик туркумини яратиш амалиётчи педагоглар учун жуда муҳимдир. Бунинг сабаблари қўйидагича:

1. Ўқув жараёнида эътиборни асосий мақсадга қаратиши. Ўқитувчи таксономиядан фойдаланган ҳолда нафақат ўқув мақсадларини, балки асосий вазифаларни, бундан кейинги фаолиятининг тартиби ва боришини ҳам белгилаши мүмкин.

2. Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорликдаги фаолиятининг аниқлиги ва ошкоралиги. Аниқ ўқув мақсадлари ўқитувчи учун ўқувчиларга уларнинг умумий фаолиятидаги асосий йўналишларини тушунтириш, муҳокама қила олиш ва ихтиёрий қизиқувчи шахслар учун ҳам аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлаш имкониятини беради.

3. *Үқитиши натижаларини баҳолаш андазаси* (эталон)ни яратиш. Фаолият натижалари орқали аниқ ифодаланган ўқув мақсадлари уларни ишончли ва холисона баҳолаш имкониятини яратади. Бундай эталон фақат ўқитувчи томонидан яратилиши шарт эмас. Уни ўқувчилар билан ҳамкорликда яратиш ҳам мумкин. Б. Блум таксономияси ёрдамида ўқитувчи нафақат ўқув мақсадларини аниқлаштиришга, балки уларни ўзаро боғлиқ бўлган қатъий кетма-кетликда жойлаштиришга муваффақ бўлади. Ўқув мақсадларининг бундай ифодаланиши ўқитувчи учун талабаларга, уларнинг билиш фаолияти ҳолатини тушунтириш, бу фаолиятни якуний натижажа томон аниқ йўналиш олишга ундаши учун имконият яратади. Демак, ўзлаштиришнинг такомиллашиб бориши кузатилади.

Таксономия тест топшириқларини тузувчилар учун ўқув материали элеменларини ўқув мақсадларининг қайси тоифасига мувофиқлигини аниқлашда ҳам қулайлик яратади. Бу таксономияни қўллаш натижасида идентификацияланувчи ўқув мақсадларини аниқлаш мумкин бўлмаган даражаларда, уларни нисбатан умумлашган шаклда ифодалаб, тест топшириқлари тузиш имконияти яратилади. Ёки ўқув мақсадлари таксономия тоифалари бўйича умумийроқ шаклда аниқланиб, сўнг уларга мос келувчи ва якуний натижаларни яққолроқ ифодаловчи феъл танланиб, тест топшириқларини тузиш мумкин.

Блум таксономияси бўйича ўқув мақсадларининг асосий тоифалари қўйидагича:

1. **Билиш.** Бу тоифада ўтилган материални эслаб қолиш ва такроран сўзлаб (кўрсатиб) беришни англатади. Улар мазмуни турлича аниқ далиллардан бошлаб, то яхлит назарияларгача бўлиши мумкин. Бу тоифанинг умумий белгиси тегишли маълумотларни эслаб қолишидир.

Талаба қўлланадиган ибораларни, аниқ далилларни, асосий тушунчаларни, қоида ва тамойилларни билади.

2. Түшүниш. Қуидагилар ўтилган материал ахамиятини түшүниш қобилиягининг күрсаткичлари бўлиши мумкин: материални бир шаклдан иккинчи шаклга ўзгартириш, бир тилдан иккинчи тилга айлантириш (масалан, оғзаки шаклдан математик шаклга).

Талаба далиллар, қоида ва тамойилларни түшунади, оғзаки материални, схема, диаграмма ва графикларни талқин қила олади, оғзаки материални математик шаклда ифодалай олади.

3. Қўллаш. Бу тоифа ўқитилган материалдан аниқ шароитларда ва янги вазифаларда фойдалана билишини англатади. Бунга қоидалар, услублар, түшунчалар, қонунлар, тамойиллар ва назарияларни амалда қўллай олиш киради. Ўқитишнинг бундай натижаси материални түшүнишга нисбатан анча юқори даражада эгаллашни талаб қиласди.

Талаба түшунча ва тамойилларни янги вазифаларда қўллайди, қонун, назарияларни аниқ амалий вазиятларда қўллайди, услубни қўллай олишни на мойиш қиласди.

4. Таҳлил. Бу тоифа материални алоҳида қисмларга ажратишни билишни англатади. Бунда унинг таркибий тузилиши аниқ кўриниб туриши керак. Бунга яхлитликни қисмларга ажратиш, уларнинг ўртасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш, яхлитликнинг ташкил этилиш тамойилларини англаш киради. У ўқув натижаларини түшүниш ва қўллашта нисбатан анча юқори даражада эканлиги билан характерланади.

Талаба яширин (ноаниқ) тахминларни ифодалайди, фикрлаш мантигидаги хато ва камчиликларни кўра олади, далиллар ва сабаблар ўртасидаги тафовутларни аниқлайди, бояланишларни таҳлил қила олади.

5. Синтез. Бу тоифа ўзида янгиликни акс эттирган яхлитликни вужудга келтириш учун алоҳида қисмлар комбинациясини тузишни англатади. Бундай янги

маҳсулот доклад, нутқ ғаолияти режаси, мавжуд маълумотларни тартибга тушириш схемаси бўлиши мумкин.

Талаба материалнинг мантиқий тузилишини ёзма матн шаклида баҳолайди, хulosаларнинг берилган катакларга мослигини баҳолайди, инию ёзади, тажриба ўтказиш режасини тузади.

6. Баҳолаш. Бу тоифа у ёки бу материал (қонун, бадиий асар, изланиш натижалари)нинг аҳамиятига аниқ мақсад нуқтаи назаридан баҳо беришни англатади. У олдинги беш ўқув мақсадларининг барчасини эгаллашни ва уларга қўшимча равишда аниқ белгиланган мезонларга асосланиб баҳо бера олишни ҳам билишни назарда тутади.

Талаба материалнинг мантиқий тузилишини ёзма матн шаклида баҳолайди, хulosаларнинг берилган катакларга мослигини баҳолайди, ташқи ва ички мезонлардан келиб чиқсан ҳолда у ёки бу ғаолият аҳамиятига баҳо беради (муносабатини билдиради).

Ўқув фани мақсадларини бу таксономия асосида аниқлантириш икки босқичда бажарилади. Биринчи босқичда фан ўқитилишининг умумий мақсади, иккинчи босқичда эса, кундалик ва жорий ўқув ғаолиятининг мақсадлари аниқланади.

Ўқув мақсадларининг тўла-тўқис аниқланадиган, ўқув жараёнини эса такрорланувчан бўлиши учун бу мақсадларга эришиш мезонини яратиш зарурияти туgilади. Ўқув мақсадларини шундай ифодалаш керакки, унга эришганлик ҳақида фикр юритиш мумкин бўлсин. Натижасини қатъий ва аниқ ўлчаши мумкин бўлган ўқув мақсадлари идентификацияланувчи ўқув мақсадлари деб аталади. Ҳар бир ўқув мақсадлари бўйича назорат (тест) топшириқлари тузилади.

Идентификацияланувчи мақсадларга эришганлик ҳақида ўқувчининг фақат ташқи ифодаланган

фаолияти ва унинг маҳсули (жавоби, масалани ечиш, механизмларни қисмларга ажратиш ва йигиш) билангина хукм чиқарилади. Ўқув натижаларини идентификациялашда ўқитувчи ўқувчининг ташқи ифодаланган ҳаракатининг белгиларини баён этишга асосий эътиборни қаратади.

Ўқув мақсадларини ташқаридан кузатиладиган ҳаракат билан тўла-тўкис ифодалаш технологияси бихевиоризм тоғаси ва методлари таъсирида вужудга келган. Бихевиоризм (инглизча — *хатти-ҳаракат*) Америка психологиясининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, у ўта амалий йўналишга эгадир. Бихевиоризм инсон руҳиятини ўрганиш фақат унинг ташқи ифодаланган ва кузатиш имконияти бўлган хатти-ҳаракати ва нутқини таҳлил қилишдан иборат деб тасаввур қиласди. Бу ёндашиш ўқув мақсадларини ўқувчиларда ташқаридан кузатиш мумкин бўлган аниқ ҳаракатларда, яъни қатъий аниқланган ҳаракатларнинг шаклланишидан иборат ҳолда белгилашга олиб келади. Бихевиоризм таълимиминг буюк мақсади билим бериш эмас, балки ҳаракатларга ўргатишdir.

Лўнда қилиб айтганда, ўқув мақсадларини тўла идентификациялаш ва қатъий бир маънода ифодалаш тоғаси ўқувчилар фаолиятини анъанавий ноаниқ тарзда эмас, балки уларнинг ташқаридан кузатиш ва ўлчаш мумкин бўлган аниқ хатти-ҳаракатлари орқали ифодаланишини билдиради.

Ўқув мақсадларини бихевиористик усулда алоҳида қисмларга ажратиш уларни ташқаридан кузатиладиган хатти-ҳаракатларга тўла-тўкис айлантириш, яъни қатъий назорат қилиниши мумкин бўлган ҳаракатлар тили билан ифодаланадир. Масалан, „таниш“, „қайтариш“, „ёзиб олиш“ сўзлари „билиш“, „тушуниш“ ифодаларига нисбатан анча аниқроқдир. Шунинг учун ҳам ўқув мақсадларини танлашга оид методик кўрсатмаларда ўқитувчилар „билиб олиш“, „идрок

қилиш”, „тушуниш“ каби умумий маъно берувчи сўзлар ўрнига ўқувчиларга „танлаш“, „номини айтиш“, „санаб бериш“, „ёзма ифодалаш“, „таърифлаш“, „кўрсатиш“ малакаларини шакллантиришлари тавсия этилади.

Ўқув мақсадларини бундай аниқлаштириш ўқитувчи ишини анча соддалаштиради. Бу мақсадлар тўпламига асосан ўқув жараёни унинг ҳар бир қисмини ўзлаштиришни таъминловчи, соддалаштирилган ўқув циклари йигиндисининг кетмакетлиги бўйича олиб борилади.

Ўқитиш натижалари уни алоҳида таркибий қисмларга бўлишга, бу қисмларни кетма-кет ўргатишга имконият берса, бу ҳолда бихевиористик схемага тўла амал қилиш мумкин (ишлиб чиқиш операцияларини ўрганиш, жисмоний тарбия машқларини бажариш, оғзаки нутқ малакасини шакллантириш). Бу, айниқса, касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг меҳнат операцияларини алоҳида қисмларга ажратиб бажариш натижасида касбий малакаларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Агар ўқув натижалари яхлитликни ташкил этиб, алоҳида қисмлар йигиндиси сифатида уларни аниқ ифодалаш мумкин бўлмаса, бундай ҳолда ўқув мақсадларини идентификациялаш маълум даражада мумкин бўлса-да, ниҳоятда қийинчилик туғдиради ва уни қатъий амалга ошириб бўлмайди. Бундай ҳолатда Б. Блум таксономиясининг юқори даражаларидан фойдаланиш мумкин (синтез, баҳолаш).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқув мақсадларини ташқаридан кузатиладиган ҳаракатлар билан ифодалаш технологияси ўқувчиларининг, айниқса, касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг меҳнат операцияларини ўрганиш, оғзаки нутқ малакасини

шакллантиришда мұхим рол үйнайды, үқув жараёни ни тақомиллаштиради.

Умумпедагогик мақсадларни аниқ үқув мақсадларига айлантириш батареясини тузиш қуидағи жадвалда күрсатылған (5- жадвал).

5- жадвал

Аниқлаштырылған үқув мақсадларини ишлаб чиқыш блок-схемаси



Ўқув мақсадларини тест топшириқларига айлантириш


Маълумки, анъанавий ўқитишида педагог аввал режа, дарс матнини ишлаб чиқади ва шундан кейингина назорат топшириқларини тузади. Айрим пайтларда бу иш якуний имтиҳон (тест синовлари) олдидан бажарилади.

Педагогик технологияга асосланган ўқув жараёни ни ташкил этишида назорат топшириқларини тузиш ўқув мақсадларини аниқлаш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади. Бундай ҳолат режа ва дарс матнлари самаралироқ ҳолда ўтишининг мақсад ва вазифалари билан боғлиқ бўлади.

Якуний тест ишланмаси тест тоншириқларининг керакли сонини аниқлашдан бошланади (6- жадвал). Уларнинг сони назорат турлари ҳамда режалаштирилган ўқув мақсади ва вазифаларининг чуқурлигига боғлиқ.

6- жадвал

Ўқув фани бўйича якуний тестни ишлаб чиқиш



Айрим ўқув юртларида якуний тестта киритилиши керак бўлган тест топшириқларининг сони аниқланган.

Агар тест саволларининг сонини тузувчининг ўзи аниқлаши лозим бўлса, улар қуйидагича бўлиши мумкин:

— жорий назорат 10—15 топшириқ. Ўтказиш вақти 10—15 дақиқа;

— оралиқ назорат 25—30 топшириқ. Ўтказиш вақти 30—40 дақиқа;

— якуний назорат 50 ва ундан ортиқ. Ўтказиш вақти 1 соатдан 1,5 соатгача.

Ўқувчининг билимини назорат қилиш, асосан, ўқитиш ҳамда ўргатиш мақсад ва вазифаларига эришпилганик даражаларини баҳолашдан иборатдир. Бу ҳолда мақсад ўқитувчининг фаолиятига қаратилганиги (ўқитиш, тушунтириш, кўрсатиш, гапириб бериш ва ҳ. к.), вазифаларга эса ўргатиш натижалари киритилганиги фойдалироқ.

Демак, вазифа — бу талаба аввал билмайдиган ва улдалай олмайдиган билим ва ҳаракатларии дарсларни тинглагандан сўнг билиши ва улдалай олишидир.

Агар вазифалар аниқланган бўлса, унда ўқув натижаларини аниқлаш учун назорат топшириқлари тузиш лозим. Булар оғзаки, ёзма, назорат саволлари ёки тест бўлиши мумкин. Тест ишланмаларининг кетма-кетлиги қуйидаги жадвалда келтирилган (7- жадвал).

7- жадвал

Тест топшириқларининг мазмунини аниқлаш кетма-кетлиги

Узоқ муддатга мўлжалланган ўқитиш учун умумий таълим мақсади

Ушбу таълим жараёнида кўзланган мақсад
(курс, бўлим мақсади)

Педагог фаолияти билан боғлиқ аниқ ва мазмунли ўрганиш мақсади

Талабадан кутилган, кузатиб, баҳолаб бўладиган хатти-ҳаракат кўринишидаги ўқув мақсади (вазифа, таққосланадиган ўқув мақсади)

Кутилаётган ўқув жараёнининг натижаларини тест топшириқларига айлантириш

Ўқув мақсадларини рӯёбга чиқаришда феъл танлаш катта аҳамиятта эга. Масалан, оғзаки ва ёзма нутқ вазифаларини бажариш мақсадида қуйидаги феъллардан фойдаланиш мумкин: сўз билан ифодалаб бермоқ, ёзib олмоқ, натижасини чиқармоқ, таъкидламоқ, айтмоқ, ўқимоқ, бўғинларга бўлмоқ, ҳикоя қилмоқ ва ҳоказо.

Тест топшириқлари ўқувчиларнинг ўқув мавзууларини турлича ўзлаштириш даражаларини баҳолаши мумкин. Булар:

- ахборотни билиш, ёд олиш ва сўзлаб бериш;
- маҳсулдор (репродуктив) фикрлаш;
- натижали (продуктив) фикрлаш;
- изланувчан ижодий фикрлаш.

Ахборотларни билиш, ёд олиш ва сўзлаб беришда эслаб қолиш қобилияти билан бөглиқ билимлар текширилади.

Маҳсулдор (репродуктив) ўзлаштириш даражасидаги тест топшириқларида ўқувчилардан олдин ўрганилган тартиб асосида мустақил иш бажариш, олдинги ёдланган қоидаларни эслаш талаб қилинади.

Натижали (продуктив) ўзлаштириш даражаси ўқувчи олган билимнинг ноанъанавий масалаларини ечишда мустақил фикр юритиши ва вазифаларни ўзи тузган алгоритм асосида бажаришини талаб қиласди.

Изланувчи ижодий даражани қўллашда таклиф этилган масалани ечиш учун тайёр қоида йўқ, уни ишлаб чиқиш лозим.

Тест тоншириқларининг шакллари

Назорат тоншириқларини ишлаб чиқишда тест топшириқларидан фойдаланилади. Мутахассислик фанларида қўлланадиган тестлар икки хил бўлади: эркин жавобли (иевентив) ва танланма жавобли (электив).

Эркин жавобли топшириқлар савол ва масала шартларидан иборат бўлиб, ўқувчи унга ёзма равишда жавоб беради. Бу тест турига хоҳлаган жавобни бериш мумкин. Шу сабабли бундай топшириқларни очиқ тест топшириқлари деб ҳам аталади. Топшириқларда таянч ибора (ёки иборалар) тушириб қолдирилади.

Масалан:

Агар тест топшириғида ... тушириб қолдирилган бўлса ва жавоби бўлмаса, унда бу тест топшириқлари эркин жавобли топшириқлар деб аталади.

(Тўғри жавоб: таянч ибора)

Бу усулни ўқитини жараёнида қўллаш қулай, лекин жавобларни текширишга кўп вақт кетади ва текширишни автоматлаштириш жуда қийин.

Танланма жавобли топшириқлар савол ва жавоблар тўпламидан иборат. Жавобларнинг ичида биттаси тўғри, қолганлари эса тўғрига ўхшашиб, лекин нотўғри. Таклиф қилинадиган жавоблар сони иккитадан бештагача ва ундан кўнроқ бўлиши мумкин. Ўқувчи жавоблар ичидан тўғри деб топганини ёзиб беради

ёки унинг кодини билим текшириш қурилмасига киритади.

Танланма жавобли топшириқлар орқали билим текширишни автоматлаштириш осон ва шунинг учун ҳам улар ўқитиш жараёнида кенг қўлланади.

Танланма жавобли топшириқларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

1. *Альтернатив танланма жавобли топшириқлар.* Бунда саволга ҳа ёки йўқ, катта-кичик, кам-кўп, иссиқ-совуқ каби жавоблар берилади.

Билимларни тест билан назорат қилиш адолатлилиги анъанавий шакллар билан таққосланганда ...

а) ошади

б) пасаяди

(Тўғри жавоб: а)

2. *Бир тўғри жавобли танланма топшириқлар.* Саволга берилган бир қанча жавоблар ичида ягона тўгрисини топиш тавсия қилинади. Тест топшириқларида жавоблар қанча кўп бўлса, тўғри жавобларни тасодифан топиш эҳтимоли шунча кам бўлади. Амалиётда бешта жавобли топшириқларга эга бўлиш етарли хисобланади.

Масалан:

Ўқув мақсадларини аниқлашда муҳим аҳамиятли сўз туркуми.

А. От.

Б. Сифат.

С. Феъл.

Д. Соң.

(Тўғри жавоб: С)

3. *Аккордли танланма топшириқлар.* Аккордли танланма топшириқлар савол ва элементлар йигиндисидан иборат бўлиб, ўқувчи саволга тўғри жавоб бўладиганларини элементлар ичидан танлаб олиш керак.

Масалан:

Мосликни ўрнатинг:

1. Билимларни назорат қилишининг тест усули камчиликлари
2. Билимларни назорат қилишининг анъанавий усули камчиликлари

- A. Баҳоланишдаги шахсий омил.
- B. Имтиҳон олувчининг ўқувчи билан мулоқотда бўлмаслиги.
- D. Баҳоларнинг дагал мезонлари.
- E. Билимларни назорат қилиш танлов хусусиятига эга.
- F. Жавоблар изҳорининг чегараланганилиги.
- G. ЭҲМ ишлатилишидаги камчиликлар.

(Тўғри жавоб: 1—B, F; 2—A, D, E, G)

4. Кетма-кет операцион топшириқлар. Кетма-кет операцион топшириқлар савол ва элементлар йигиндисидан иборат. Ўқувчи керакли элементларни танлаши ва уларни маълум кетма-кетлиқда кўрсатиб бериши керак.

Кетма-кетликнинг тўғрилигини аниқлашга оид топшириқлардан, асосан, касб-хунар тайёргарлиги даражасига баҳо беришда фойдаланилади. Улар ҳаракатлар, операциялар, муҳокамалар, механизmlарни йигиш ва ажратиш кетма-кетлигини текшириш учун қўлланилади. Бундай тоншириқлар тартибсиз сўзлар йигиндисидан таърифлар, қонунлар, муҳокамалар яратишга ҳам имкон беради.

Синовдан ўтаётганларга „Тўғри кетма-кетликни аниқланти“ деган йўлланма берилади.

Масалан:

Тұғри кетма-кетликни аниқланғ: „Занжирнинг бир қисми учун Ом қонунин тәбрифланғ“.

- А. Тұғри пропорционал.
- Б. Тескари пропорционал.
- Д. Қаршилик.
- Е. Күчланиш.
- Ғ. Ток кучи.

(Тұғри жавоб: 1— F, 2— E, 3— A, 4— D, 5— Б)

Тест топшириқлари шакларини тұғри танлаш ва уларнинг афзалликларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнида құллаш билимларни пухта ўзлаштиришга, яхши әслаб қолишиңа ҳамда ўқитишини такомиллаштиришга ёрдам беради.

Тест саволлари мукаммал бўлиши учун уларни тузишда бир қанча талабларга риоя қилиш зарур: тест тоншириқлари мазмунининг ўқув материали мақсадига мувофиқлиги; материал аҳамиятлилиги; илмий аниқлик; изчилик; тўқислик ва уйгунлик; ўзлаштириш даражасига кўра табақалаштириш; самарадорлик; қатъий белгиланган вақт; ихчамлик; мураккаблик меъёри; тұғри жавобда қўшимча белгиларнинг мавжуд эмаслиги; вариантлик; шаклан ва мазмунан ўзаро боклиқлик.

Ушбу тест топшириқларига қўйиладиган дидактик талабларнинг қисқача мазмуни қўйидагилардан иборат:

Ўқув мақсадига мувофиқлик. Тест топшириқлари мазмунини ўқув мақсадига қаратиш лозим. Ўқув мақсадлари мажмуй иерархик тузилишга эга. Шунинг учун нисбатан яқин мақсадни амалга оширмай туриб, умумий мақсадга эришиб бўлмайди. Ҳар бир тест саволи маълум ўқув мақсадининг рӯёбга чиқишини таъминлаши зарур.

Материалнинг аҳамиятлилiği. Тест саволларига ўқув материалининг энг муҳим, асосий қисмларини киритиш лозим.

Илмий аниқлик. Тестта аниқ, билим орқали асослаш мумкин бўлган ҳаққоний маълумотлар киритилади. Фандаги мунозарали қарашларни тест саволларига киритиш тавсия этилмайди. Тест топшириқлари табиати, асосан, аввалдан маълум, аниқ жавоб беришни тақозо қиласди.

Изчилик. Тест топшириқлари маълум бир фанга тааллуқли, умумий билим моҳиятиға ўзаро боғлиқ бўлиши лозим.

Тўқислик ва уйғунлик. Тест топшириқларипинг умумий сони мавзуу ва қисмларга нисбатан мувофиқ тақсимланиши аҳамиятли.

Ўзлаштириш даражасига кўра табақалаштириш. Ўқув материалининг маълум бир таркибий қисмига оид ўзлаштириш даражаси турлича (билиш, эсда қолган нарсани тасвирлаш (репродукция), самарали ва ижодий фикрлаш) бўлган тест топшириқларини тузиш лозим.

Самарадорлик (кумулятивлик). Самарадорлик тест топшириқларининг борган сари мураккаблашиб боришини назарда тутади. Бу қатъий эмас. Чунки замонавий компьютер тест тизимида навбатдаги тест топшириги ўқувчига аввалгисини қандай етганига қараб берилади. Янги тестда аввалги саволга нотўри жавобдан сўнг, унга нисбатан мураккаб бўлмаган тест топшириқлари берилиши мумкин.

Қатъий белгиланган вақт. Бу шартнинг моҳияти шундан иборатки, ўйлаш учун 2 диқиқадан ортиқ вақт талаб этиладиган тест саволлари бўлмаслиги лозим.

Ихчамлик. Тест топшириқларининг матни чўзилиб кетмаслиги керак. Мураккаб кўламли тест саволларини ўзлаштиришни аниқлаш зарур бўлган ҳолларда

уни бир қанча ихчам тест топшириқларига бўлиб тузган маъқул.

Тил равонлиги, аниқлиги, бир маънолиги. Тест топшириқларида кўп маъноли ва ноаниқликка йўл қўйиб бўлмайди. Тест тоншириқларини тузувчилар гурӯҳига ўқув фани бўйича тажрибали педагог ва психологдан ташқари адабий муҳаррирнинг ҳам киритилиши мақсадга мувофиқ.

Мураккаблик меъёри (яроқлилиги). Тест топшириқлари педагогик жиҳатдан самарали бўлиши учун улар оддий ахборот бериб қолмаслиги, жавоби очиқданочиқ аён бўлмаслиги лозим.

Тўғри жавобда қўшимча белгиларнинг мавжуд бўлмаслиги. Тест тузишда тушунарли бўлсин, деган мақсадда тўғри жавобни бошқа жавобларга нисбатан кенгроқ ва батафсилроқ баён қилиш мумкин эмас. Ўқувчилар бу фарқни тез англаб оладилар ва жавобни ана шу белгига қараб аниқлашади. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди.

Вариативлик. Ўқув материалидаги маълум бир мавзуни ўзлаштиришни назорат қилиш учун мантиқий фикр баёни, синтетик тузилиши ёки мураккаблик даражасига кўра турлича бўлган, лекин битта ўқув материалига тегишили тест саволлари тузиш лозим. Бу бир ўқув мақсадига эришиш йўлида тоншириқлар туркумини яратиш имконини беради (инвариант тестлар). Шу боис компьютер тест тизими топшириқларнинг вариативлик хусусиятига асосланган. Бунда компьютер навбатдаги тоншириқни аввалги саволга берилган жавобга кўра танлайди.

Шаклан ва мазмунан боғлиқлик. Бу талаб фалсафадан, унинг қоидаларини санъат асаларини ўрганишга қиёслашдан олинган. Ҳақиқий санъат асари шаклан ва мазмунан яхлитdir. Бинобарин, тест топшириқлари ҳам шаклан ва мазмунан уйгун бўлиши лозим.

Тест топшириқларини юқоридаги талабларга асосан тузиш ўқитувчиларнинг тест тузиш назарияси бўйича маълумотга эга бўлишларини талаб қиласди.

Мазкур талабларга мувофиқ тузилган тест топшириқлари педагогик технология асосида ўқитиш жараёнини такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Кафолатланган ўқув мақсадларига эришиш

Педагогик технологияда ўқув мақсадлари ва вазифалари ишлаб чиқилгандан сўнг натижаларни баҳолаш учун назорат саволларини тузиш самаралидир (8- жадвал).

8- жадвал


Ўқитувчининг дарс ўтиш бўйича тузадиган услубий ишланмаси бўйича ҳаракат дастури



Бундай ҳолда тузилган дарс мавзусининг матни (услубий ишланма) назорат саволларининг мазмунини ва шаклини инобатта олиш ва ўқувчиларни кутилаётган ўқув мақсадига эришиш учун қулай услубий ҳужжатга зарурый маълумотларни киритишни таъминлайди.

Тайёр услубий ишланмада ўқув машғулотининг мазмунни назорат саволларидан олдин келади. Ушбу кўлланмада дарс бериш методикаси қуидаги жадвалда келтирилган (9- жадвал).

Дарс ўтиш бүйича услугий ишләнмә кетма-кетлиги



Ўқитишга технологик ёндашишда, аввал ўзлаштирилган ва янги билимларнинг ўзаро боғлиқ бўлишига катта эътибор берилади. К. П. Макварднинг таъкидлашича, ўзлаштирилаётган билимларнинг пухталиги ана шу боғланишларнинг мустаҳкамлигига боғлиқ. Агар бу боғланишлар бўлмаса, ўрганилаётган ўқув материалларини ёдлаш ҳам билимларни шаклантиришга ёрдам бермайди. Янги ва олдинги ахборотларнинг қисмлари ва улар орасидаги боғланишлар мустаҳкам бўлсагина, кутилган мақсадга эришилади.

Бу боғланишлар педагогик технологиянинг қуидаги қоидаларига биноан амалга оширилади:

Тенг қийматли (эквивалент) амалиёт қоидаси: ўқувчиларнинг ўқитиш шарт-шароитларидағи хатти-харакатлари тест ўтказиш ёки имтиҳон вақтида кутиладиган хатти-харакатларга тўла мос келади.


Ўҳшашиб амалиёт қоидаси: ўқувчилар кутилаётган хатти-харакатни такрорловчи эмас, балки шунга ўҳшашиб шароитларда машқ қилиш имкониятига эга бўладилар.

Натижаларни билиш қоидаси: ўқувчига ҳар бир хатти-харакати учун баҳоланган натижани зудлик билан маълум қилиш: бу шарт жорий баҳолаш асосида ётади (ўқитишда қайта боғланиш шарти).

Педагог томонидан ижобий мустаҳкамловчи рагбатлаш қоидаси: ўқувчининг маъқул хатти-харакатлари рагбатлантирилиб, мустаҳкамланиши зарур: нотўғри хатти-харакатлари учун танбех берилмайди, балки истак туғдирувчи амалий тавсия тарзида шарҳ-

ланади (масалан, „Яна бир марта ифодалашга уриниб күр“ ёки „Бўлим мазмунини яна бир марта ишлаб чиқишинг қерак“). Куйидаги жадвалда ўкув мақсадларига эришиш усуллари келтирилган (10- жадвал).

10- жадвал



Мазкур қоидаларнинг йигиндиси репродуктив табиатни ифодалайди.

Дастурлаштирилган ўқитиши доирасида илгари сурилган тамойиллар ўқув жараёнини педагогик технология асосида жорий этишда ҳам қўлланиши мумкин. Уларнинг энг асосийларига қўйидагилар киради:

Кичик қадамлар — ўқув мавзуларини мумкин қадар кичик қисмларга (модулларга) бўлиш.

Жавобни дарров тасдиқлаш — ўқувчи жавобни тўғри берганлиги (ечганлиги) ҳақидаги маълумотга эга бўлиши керак. Яъни ўзининг жавобини тўғри жавоб андазаси билан таққослаши керак.

Ўқитиши суратини ўзига мослаштириши.

Мураккабликнинг аста-секин ортиши.

Билимларни муттасил мустаҳкамлаш қоидаси: ҳар бир ўқитиши қадамини умумлаштиришни турли мазмунли контекстларда такрорлаш ва етарли миқдорда пухта танланган мисоллар ёрдамида изоҳлаш зарур. Ўқув мақсадларига эришиш учун ўқитишининг турли моддалари, шу жумладан, анъанавий моделлар ҳам қўлланиши мумкин.

В. Гузеевнинг таъкидлашича, „Муайян шарт-шароитларнинг ҳар бирига мос келувчи ўқитишининг қулий моделини танлаш мезонлари умуман мавжуд эмас, ҳозирги кунда бу ўқитувчининг ваколатидаги унинг тажрибаси, салоҳияти, ички дунёси ва фикрлаш тарзига боғлиқ масаладир.

Ўзлаштириш сифатини баҳолаш жорий, оралиқ ва якуний назоратларни ўз ичига олади. Жорий назорат узлуксиз қайта болганишини таъминлайди ва одатда, баҳолашсиз ўтказилади, шунинг учун у билимларни шакллантиришда иштирок этади. Педагогик технологияда қайта болганиш нафақат ўқитиши жараёнини мустаҳкамлаш учун, балки ўқув мақсадларини аниқлаштириш учун ҳам хизмат қиласи. Якуний назоратда режалаштирилган ўқув мақсадларига эришганлик даражаси баҳоланади.

Назорат оғзаки, ёзма ёки тест усулида бўлиши мумкин.

Бўлим юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ўқув жараёнига технологик ёндашиш бўйича дастлабки изланишлар қачон ва кимлар томонидан олиб борилган?
2. ЮНЕСКОнинг педагогик технологияга берган таърифини айтинг.
3. Ўқув мақсадлари қандай шакллантирилади?
4. Таксономия тушунчасини шарҳланг.
5. Б. Блум таксономиясининг категорияларини шарҳланг.
6. Тест топшириқлари мазмунини аниқлаш кетма-кетлигини айтиб беринг.
7. Назорат тест топшириқларининг шаклларини гапиринг.
8. Педагогик технологиянинг ўқув мақсадларига эришиш усуларини айтиб беринг.

КОМПЬЮТЕРЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Информацион технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаш

Жамиятни ахборотлаштириш инсон тараққиётининг барча соҳаларида интеллектуал фаолият турларини кўпайтириш ва ролини ошириш билан боғлиқ объектив жараён бўлиб, халқ турмуш даражасининг яхшиланиши, ижтимоий эҳтиёжларнинг қондирилиши, иқтисоднинг ўсиши, фан-техника тараққиётининг жадаллашиши учун хизмат килади. Шу боис ҳар бир мамлакат XXI асрда давлатлар орасида муносиб ўрин эгаллаши ва бошқа мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларда тентглаша олиши учун ўз халқ хўжалиги тузилмалари ва саноатларини ахборот тизимлари талабларига мослаштириши керак.

Жамиятни ахборотлаштиришдаги энг муҳим йўналишлардан бири таълим тизимиdir. Таълим тизимини ахборотлаштириш ривожлантирувчи таълимни жорий этиш мақсадида янги ахборот технологияларини қўллаш, унинг метод ва восита-ларидан фойдаланиш, таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларини жадаллаштириш, сифат ва самародорлигини ошириш, ёшларни ахборотлашган жамият шароитида яшашга тайёр қилиб тарбиялаш масалаларини ўз ичига олади.

Амалиётда маҳсус техник ахборот воситалари — ЭҲМ, аудио, кино, видеоларни қўллайдиган барча технологиялар информацион таълим технологиялари деб номланади. Таълим тизимида компьютерлардан кенг фойдаланиш оқибатида „янги ахборот таълим

технологияси“, „компьютер таълим технологияси“ атамалари пайдо бўлди.

Компьютерли технологиялар дастурли ўқитиш фояларини ривожлантиради. Замонавий компьютерли таълим технологиялари — бу таълим олувчига ахборотни тайёрлаш ва узатиш жараёни бўлиб, уни амалга ошириш воситаси компьютерdir.

Компьютерда ахборотни тақдим қилишнинг бой имкониятлари таълим мазмунига интеграцияланган курсларни, фаннинг тарихи ва методологияси билан таништириши, буюк инсонларнинг ижодий ишларини, фаннинг, техниканинг, маданиятнинг жаҳондаги даражасини қўшиш орқали унинг мазмунини ўзгартириш ва чексиз бойитиш имконини беради.

Компьютерли ўқитиш технологиясининг жараёнли хусусиятлари

Компьютерли ўқитиш воситаларини интерфаол деб аташ мумкин. Улар таълим олувчилар ва таълим берувчилар ҳаракатига „жавоб бериш“, улар билан диалог олиб бориш қобилиятига эга, айнан мана шу компьютерли ўқитиш усулининг асосий хусусиятини ташкил қиласди.

Компьютер ўқув жараёнининг барча босқичларида қўлланиши мумкин: янги материални тушунтириш (киришда), мустаҳкамлаш, такрорлаш, билим-малака кўнилмаларини назорат қилиш пайтида ва ҳоказо. Бунда у таълим олувчи учун турли функцияларни бажаради: ўргатувчи, ишчи инструментини, ўқитиш обьектини, ҳамкорлик қилувчи жамоани, дам олиш (ўйин) муҳитии.

Компьютернинг **таълим берувчи** функцияларига қўйилагилар киради:

- ўқув ахборотининг манбай (таълим берувчи);

- кўргазмали қурол (сифат жиҳатдан янги дарражада мультимедия ва телекоммуникацияларнинг имкониятлари билан);
- индивидуал ахборот макони;
- тренажёр; ташҳис ва назорат воситаси.

Компьютернинг ишчи инструмент функциялари:

- матнларни тайёrlаш воситаси, уларни сақлаш;
- матнли таҳрирчи;
- графоқурувчи, график таҳрирчи;
- ҳисоблаш манинаси;
- моделлаштириш воситаси.

Ахборот технологиялари йўналишларининг бири таълим воситалари — аудио ва видео воситаларни қўллаш ҳисобланади. Шунинг учун компьютер технологиялари билан бир қаторда ўқитишнинг аудио-видео технологиялари ҳам фаолият кўрсатади. Уларда таълим олувчиларнинг билиш фаолиятини бошқаришнинг кўпроқ қисми маҳсус ишлаб чиқарилган аудиовизуал ўқув материаллари ёрдамида амалга оширилади.

Ўқитишнинг мультимедиа технологияси

Компьютер технологияларининг жадал ривожланиши таълим жараёнини янги босқичга кўтарди, бу ўз ўрнида таълим мазмунини, метод ва шаклларини қайта кўриб чиқиш, янги билим ва кўникмалар билан янада бойитиш заруриятини туғдирди.

Тобора шаклланиб бораётган компьютер-ахборот маданияти ахборотни етказиш ва қабул қилишда янги муносабатларни келтириб чиқаради, фикрлашнинг янги турини ҳосил қиласди. Бунда инсон информацион коинот билан ўзаро мулоқотга киришади. Телекоммуникация (телефон, телевидение, радио) тармоқларининг компьютер тармоқлари билан

бирикиши ягона жағон ахборот маконини — **мультимедиани** ташкил этади. Ушбу маконнинг энг муҳим қисми интернет тармоги ва айниқса, унинг гипермедиа (World Wide Web (всемирная паутина) — бутун дунё ўргимчак түри), гипермедиапочта, видео-конференция хизматларидир.

Мультимедиа (маъноси — „кўп муҳитлик“) — замонавий ахборотлар технологияси бўлиб, комплекс тушунчани англатади. Мультимедиа ахборотнинг турли кўринишлари — матн, жадвал, график, нутқ, анимация (мультиплекация), видеотасвир, мусиқа ёрдамида ахборотни йигиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш вазифаларини бажаради. Мультимедиа „инсон-компьютер“ интерфаол (диалог) маълумотнинг янги такомиллашган погонаси бўлиб, бунда фойдаланувчи жуда кенг ва ҳар томонлама ахборот олади. Мультимедиа воситаларидан ҳордиқ чиқариш, таълим олиш, реклама каби соҳаларда ҳам фойдаланилади. Мультимедиа воситалари асосида талаба, ўқувчиларга таълим бериш ва кадрларни қайта тайёрлаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мультимедиа — бу информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришининг мужассамлашган ҳолдаги кўринишидир.

Таълим жараёнида мультимедиа воситаларини қўллаш педагогик ва психологик нуқтai назардан жуда катта аҳамиятга эга. Бунда бериладиган материаллар чуқурроқ ўзлаштирилади, вақтни тежаш имкониятига эришилади, олинган билимлар киши хотирасида узоқ вақт сақланади.

Мультимедиани қўллаш учун қуйидаги техник воситалар керак бўлади: компьютер, лазер дискларини ўқийдиган CD—ROM қурилмаси, SB — овоз харитаси, AS — фаол калонка, CD — компакт диск, энг замонавий компьютерларда юқоридаги қурил-

маларнинг баъзилари компьютер ичига жойлаштирилган.

Таълим тизимида компьютер технологияларидан фойдаланишинг қуидаги усуллари мавжуд:

- мультимедиа дарслиги;

• билим ва кўникмаларни мустаҳкамлаш бўйича топшириқлар тўплами келтирилган методик тавсиялар;

• ўрганилаётган мавзулар бўйича назарий билимлар талабалар томонидан қай даражада ўзлаштирилаётганлигини текширишга мўлжалланган тест дастурлари;

• бир тилдан иккинчисига ёки бир алифбодан иккинчисига ўтиш;

- электрон виртуал кутубхона;

• ҳар бир талаба учун амалий топшириқларни тайёрлаш ва босиб чиқариш дастури;

• масофадан ўқитиш, яъни ўқитувчи билан ўқувчилар маълум бир масофада жойлашган ҳолда таълим бериш тизими;

• интернет тармогига уланган мультимедиа компьютерлари;

• принтер (топшириқларни тайёрлаш ва босиб чиқариш учун);

• компьютерга уланган проектор ёки тақдим этиш технологияси.

Компьютерлаштирилган дарсларнинг энг оддий тури машгулотни тақдим этиш технологиясиdir. Бу усулда дарс ўтиш учун ўқитувчи овоз харитаси ва колонкаси мавжуд бўлган компьютер, мультимедиа проектори ва MS Power Point 97 дастури ёрдамида ўтилажак дарс учун компьютерда слайдлар яратилади. Слайдлар маълум мавзууни ёритувчи матн, расм, жадвал, анимация эфектлари, ўзлаштириш дараҷасини текшириш учун тестлар, овоз, видеоролик ва ҳакозолардан ташкил топади. Улар мантиқий кетма-кетликда бириктирилади. Слайдларни алмаш-

тириш пайти — интервал белгиланади. Талаба тасвирни кўради ва эшигади.

Бундай дарс ўтишнинг техник жиҳатдан икки усули мавжуд:

1-усул — агар компьютер тармоги бор бўлса, ҳар бир талаба ўз мониторида кўради.

2- усул — агар мультимедиа проектори мавжуд бўлса, тасвирлашни экран ёки доскага тушириб кўрсатиш мумкин.

Белгиланган вақт интервалида слайдлар алмасиб туради, ҳар бир слайдда мультимедиа воситаларининг исталган комбинацияси кўрсатилади.

Мультимедиа ҳозирда жуда тез ривожланаётган замонавий ахборот технологияларидан бўлиб, у қўйидаги хусусиятларга эга:

- анъанавий ахборот турларини: матн, жадвал, турли хил безаклар, нутқ, мусиқа, телекадрлар, видео-фильмлардан парчалар, лавҳалар, анимация кўринишидаги ахборотларни ўз ичига олади;

- видео ва аудио ахборотларни компьютерда қайта ишилаш ва акс эттириш учун марказий ҳаракатчанлигини, маълумотлар ўtkазиш шинасининг ўtkазиш қобилиятини, видеохотира ҳажмини, катта сигимли ташқи хотирани, компьютер кириш-чиқиш каналлари бўйича алмашув тез- лигини тахминан икки баравар ошириш талаб этилади;

- „инсон-компьютер-инсон“ интерфаол мулоқотнинг янги даражасини таъминлаш, мулоқот жараёнида фойдаланувчи анча кенг ва ҳар томонлама ахборотларни олиши.

Таълим саҳасида мультимедиа воситалари ёрдамида тингловчиларга билим бериш афзалликлари қўйилагилардан иборат:

- таълим жараёнида берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукаммалроқ ўзлаштириш имкониятининг мавжудлиги;

- таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқини янада ошириш;
- дарс жараёнида билим олиш вақтини қисқартириш натижасида вақтни тежаш имкониятига эришиш;
- олинганд билимларнинг киши хотирасида узоқ муддат сақланиб қолиши ва уни амалиётда қўллаш мумкинлиги.

Масофадан ўқитиш технологияси

Масофадан ўқитиш кундузги ва сиртқи таълим олиш, шу билан бир қаторда ўқитиш жараёнида компьютер ва телекоммуникация технологияларига асосланган энг яхши одатдаги ва инновацион ўқитиш услугларидан фойдаланувчи таълим олиш туридир. Маълум мақсадга қаратилган ва назорат қилиб туриладиган жадал мустақил иш масофадан ўқитиш таълим жараёнининг асосини ташкил қиласди. Бунда ўқувчи маҳсус ўқитиш воситалари мажмуига ва ўқитувчи билан телефон, факс, оддий почта, электрон почта орқали боғланиш имкониятларига эга бўлган ҳолда ўзига қулай бўлган жойда шахсий режа бўйича ўқийди.

Компьютер воситаларидан фойдаланиш орқали дастлабки информаяцияларни фақат ўқитувчилардан эмас, балки интерфаол ўқитиш дастурлари орқали ҳам олиш мумкин. Ўқувчи информация воситаларидан чегараланмаган ҳолда фойдаланиб, ўзининг мустақил ишида хоҳлаган вақтда истаган мавзу бўйича маслаҳат олади. Бундан ташқари, компьютер унга ўз-ўзини доимо назорат қилиб бориши имкониятини беради. Бу эса ўқишга қизиқиш уйготади ва ишларида ижодийлик даражасини кучайтиради.

Ўқув материалининг гиперматн шаклидан фойдаланиш интерфаол ўқитишнинг очиқ тизимини

барпо қилади ва ўқувчига хоҳлагаи дастур ҳамда ўқитиш технологиясини танлаш имкониятини беради. Яъни тизим унинг индивидуал имкониятларига мослашади, ўқитиш эркинлашиб, ўқув режаси ва мажбурий аудитория тадбирларига қаттиқ бояланмайди. Бу ҳолатда ўқитувчининг вазифаси ўқув жараёнини бошқаришдан иборат бўлиб қолади.

Масофадан ўқитиш ўзига хос, мукаммаллашган шакл бўлиб, у ўзига янги ахборот технологиялари ва мультимедия тизимига асосланган таълимнинг кундузги, кундузги-сиртқи ва кечки элементларини қамраб олади. Телекоммуникациялар ва электрон нашрларнинг замонавий воситалари анъанавий ўқитиш шакллари камчиликларини бартараф этиш имконини беради ва ундаги барча афзалликларни ўзида сақлаб қолади.

Масофадан ўқитишнинг афзаллиги шундаки, унда ўқувчи ўзига қулай вақтда ва ҳаттоқи ишдан ажralмаган ҳолда ўқиси мумкин. Айнан шу афзаликлари туфайли бу услугуб дунёда ҳозирги кунда кенг тарқалғаи. Кўпгина йирик корхоналар мутахассисларнинг малакасини ошириш ёки ўзгартириш учун шу услубдан фойдаланади.

Масофадан ўқитишнинг яна бир афзалик томони унда ўқиси муддатини ўқувчи ўзи белгилайди, яъни талаба ихтиёрий пайтда ўқисини белгилайди, материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштиради. Ўзлаштириш тоншириқларии, тестларни бажаришга қараб аниқланади. Ўқувчи берилган дастурни қанчалик тез ўзлаштирса, шунчалик тез ўқисини тутатади ва гувоҳнома олади. Дастурни ўзлаштира олмаса, унга мустақил ишлаб, ўқисини давом эттиришга имконият берилади.

Масофадан ўқитиш ташкилий иқтисодий афзаликларга ҳам эга. Масофадан ўқитиш учун тала-

баларга аудиториялар, ётоқхоналар зарур эмас. Масофадан ўқитишида молиявий харажатлар, асосан, ўқув услугбий материаллар тайёрлаш учун, маҳсус аудиториялар учун сарфланади. Бу харажатларнинг асосий қисми масофадан ўқитиш жараёнини ташкил этиш босқичида сарфланади. Шунинг учун талабалар сонининг ошиши билан ўқиш нархи ҳам пасаяди. Масофадан ўқитишида асосий эътибор ўқув услугбий материалларни тайёрлашга қаратилади. Чунки ўқув услугбий материалларнинг сифати масофадан ўқитиш сифатининг энг асосий омилларидан биридир. Ўқув услугбий материал қанчалик тушунарли ва батафсил бўлса, шунчалик у ўқувчига фойдаланибўлади.

Масофадан ўқитиш услугбий материаллари қуидагилардир:

- дарслик;
- аудио ва видео дарсликлар;
- он-лайн дарслар (интернет саҳифа);
- электрон кутубхоналар;
- тестлар;
- мультимедиа-электрон дарсликлар.

Ҳозирги кунда республикамиизда ҳам масофадан ўқитиш услугбий материаллари — электрон кутубхоналар, электрон дарсликлар, он-лайн дарсликлардан айрим фанларни ўқитишида фойдаланилмоқда.

Мультимедиа дарслик ўзида кўпгина маълумотларни мужассамлаш билан бирга, бу маълумотларни экранда намойиш этади ҳамда овоз ёрдамида изоҳлайди. Мультимедиа дарсликнинг хусусияти — у воқеа ва маълумотларни яққол акс эттиради. Яъни мультимедиа воқеа ва маълумотларни ҳаётийлаштиради. Бу матн, видеотасвир, мультиликация, овоз ва мусиқа ёрдамида амалга оширилади.

Масофадан ўқитишида вертуал кутубхоналар, спутник орқали видеоконференциялар, дарслар, интернет ёрдамида мулоқот ва информация олиш

имкониятлари пайдо бўлади. Бу эса ўқувчи учун маҳсус ўқиш доирасини беради. Ўқувчининг фанни ўзлаштириш тезлиги ва сифати кескин яхшиланади.

Масофадан ўқитиши истеъмолчилари қуийидагилардан иборат:

- ўқувчи ва талабалар;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқитишини давом эттирувчилар;
- бошқа ўқув юртларининг ўқитувчилари;
- мустақил малака оширувчилар.

Масофадан ўқитиши моддий базаси қуийидагиларни ўз ичига олади:

- ахборот сақлаш марказлари;
- ўқув муассасаларининг компьютер синфлари;
- фойдаланувчиларнинг уй компьютерлари;
- алоқа воситалари;
- ускуна ва хизмат кўрсатувчилар жойлаштирилган маҳсус бинолар;
- мультимедиани тайёрлаш воситалари (видео-магнитофон, видеокамера, сканер ва ҳоказо).

Масофадан ўқитиши муаллифлари:

- масофадан ўқитиши материалларини тайёрловчи профессионал дастурчи (программист)лар;
- мультимедиа воситаларини тайёрловчи мутахассислар;
- фан ўқитувчилари;
- лаборатория ишлари бўйича мутахассислар;
- математика, чизмачилик ва бошқа компьютер тармоқлари бўйича профессионал дастурчилар;
- масофадан ўқитиши бўйича услубчилар, ҳуқукшунослар ва бошқа мутахассислар.

Масофадан ўқитиши метод ва шакллари:

- электрон дарсликлар ва маъруза матилари, лаборатория ишлари;
- масофадан бажариладиган тестлар ва бошқа назорат топшириқлари;

- электрон маълумотномалар базаси;
- экскурсия ва амалиётлар;
- видео ва фото материаллар;
- диплом иши, курс иши ҳимоялари, конференцияларнинг видео кўрининилари;
- масофадан мутахассис консультациялари.

Масофадан ўқитиши — ўқитишнинг сиртқи шаклига ўхшаб кетса-да, ундан бир мунча фарқ қиласди. Масофадан ўқитиши шакли сиртқи таълим сингари ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги бевосита учрашувнинг йўқлиги билан тавсифланса-да, таълим муассаса ва ўқувчи орасидаги алоқа ва тескари алоқа воситалари ва методлари билан сиртқи таълимдан фарқ қиласди.

Сиртқи таълим бирор аниқ мутахассисликни маълум ўқув режаси орқали олишни таклиф қиласди. Масофадан ўқитишида ўқувчи бирорта мутахассисликни олишни мақсад қилиб олмай, бирорта курс ёки курслар тизимини танлаб олиши ҳам мумкин.

Сиртдан ўқитишида умумлашган маърузаларни тинглаш, лаборатория амалий машгулотларини бажариш, якуний назоратларни топшириш учун сессияга ўқувчиларни йигиш режалаштирилади. Масофадан ўқитишида бундай сессиялар режалаштирилмаслиги мумкин. Айрим ҳоллардагина якуний назоратлар топширишда ўқувчилар ўқитувчилари билан учрашишиади.

Баъзи фанлар бўйича масофадан ўқитишни тўлиқ қўллаб бўлмайди. Масалан, клиникада ишламасдан врач бўлиш, қазиш ишларида қатнашмасдан туриб археолог бўлиш мумкин эмас. Бирорта техник қурилмаларнинг конструкцион тузилишини уларнинг табиий обьектлари ёки макетларида маълум ўқув ишларини бажармасдан туриб ўрганиб бўлмайди.

Масофадан ўқитишида таълим муассасаси ва ўқувчи орасида компьютерлараро алоқанинг ёки

телекоммуникацион алоқанинг мавжудлиги катта роль ўйнайди. Бу масофадан ўқитишнинг сифатини яна ҳам оширади. Компьютерлар ва телекоммуникация воситаларининг биргаликда қўлланиши адибиётларда компьютерли телекоммуникацион технологиялар деб аталади.

Масофадан ўқитишнинг муваффақиятли тарзда амалга оширилиши учун қуйидагилар таъминланиши шарт:

- ўқув маълумотларининг ўқувчиларга ўз вактида етказилиши;
- ўқитувчи билан тескари алоқанинг мавжудлиги;
- масофадан туриб жамоа бўлиб ишлаш имкониятининг мавжудлиги.

Ҳозирги қўлланилиб келаётган масофадан ўқитиш амалиёти, асосан, 6 та моделдан фойдаланишга асосланган:

1. *Экстернет шаклида ўқитиш.* Бунда қандайдир сабабларга кўра ўқув муассасасига қатнай олмайдиган ўқувчиларнинг билимини имтиҳон ёки синов талаблари даражасида синаб кўриш назарда тугилади.

2. *Битта ўқув муассасаси негизида ўқитиш.* Бунда ўқитиш янги ахборот технологияларини қўллаган ҳолда сиртқи шаклда ёки масофадан туриб амалга оширилади. Таълим муассасаси ўқувчиларга босма тарздати манбалардан ташқари маҳсус тайёрланган аудио ва видео маҳсулотларини, шунингдек, компьютерларда жамланган маълумотларни ҳам тақдим этади.

3. *Бир қанча таълим муассасалари ҳамкорлигига ўқитиш.* Бунда масофадан ўқитиш учун ўқув маҳсулотларини бир нечта ўқув муассасалари ҳамкорликда тайёрлайдилар. Бу эса, ўз навбатида, уларнинг сифатли ва кам харажатли бўлишини таъминлайди.

4. *Таълимнинг алоҳида муассасалари ёрдамида ўқитиш.* Бунда масофадан ўқитишнинг мақсадларини

кўзлаган ҳолда махсус мультимедиа курсларини яратиш билан шуғулланувчи ўқув муассасаси назарда тутилади. Мазкур турдаги ўқув муассасалари нафақат ўқитиши, балки ўқувчилар билимини баҳолаш ва шаҳодатлаш вазифаларини ҳам бажарадилар.

5. *Алоҳида ўқитиши тизимлари*. Бундай ўқитиши тизимлари ўқув муассасасига боғлиқ бўлмай, телевидение, радио ёки қўшимча босма материаллар ёрдамида ўқитишни амалга оширади. Масофадан ўқитишнинг бундай моделига Америка ва мамлакат телевиденияларининг биргаликда амалга ошираётган лойиҳаси мисол бўла олади.

6. *Норасмий, мультимедиа дастурлари асосида ўқитиши*. Бундай ўқитиши, асосан, катта ёшдагиларнинг саводини чиқариш учун хизмат қиласи ва у қандайдир бошқа расмий ўқитиши дастури доирасида амалга оширилиши мумкин.

Бугунги кунда масофадан ўқитишнинг қўйидаги учта кўриниши кенг тарқалмоқда:

- интерфаол телевиденияга асосланган масофадан ўқитиши;
- компьютерли телекоммуникация (маҳаллий ва глобал) тармоқларга асосланган масофадан ўқитиши;
- мультимедиа маълумотларидан ва компьютерли видеоконференциялардан фойдаланувчи телекоммуникацион, интерфаол тармоқларга асосланган масофадан ўқитиши.

Масофадан ўқитишнинг самарадорлиги уни ташкил этувчи тўртта элемент сифатига боғлиқ:

- ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларнинг самарадорлигига;
- бунда фойдаланилаётган педагогик технологияларга;
- ўқув маҳсулотларининг сифати ва уларни ўқувчиларга етказиш воситаларига;
- тескари алоқанинг самарадорлигига;

Шундай қилиб, таълим жараёнида масофадан ўқитишдан фойдаланиш натижасида таълим тизимида нофаол ўқитишдан фаол ўқитишга; ўқув материалини статистик тақдим этишдан видео ва анимациялардан динамик фойдаланишга; реал объектлардан виртуал объектларга; ўқув материалини умумий тарзда тақдим этишдан индивидуал ишга; ўқув материалини бир йўналишда тақдим этишдан ҳамкорликда (интерфаол) тақдим этишга ўтилади.

Бўлим юзасидан савол ва топшириқлар

1. Таълимда компьютер орқали ахборотни тақдим қилишнинг имкониятлари нималардан иборат?
2. Компьютернинг таълим берувчи функцияларига нималар киради?
3. Мультимедиа атамасининг маъноси ва унинг вазифаларини шарҳлаб беринг.
4. Мультимедианинг техник воситалари нималардан иборат?
5. Таълим тизимида компьютер технологияларидан фойда ланишнинг қандай усуллари мавжуд?
6. Масофадан ўқитишни шарҳлаб беринг.
7. Масофадан ўқитишнинг услубий материаллари нималардан иборат?
8. Масофадан ўқитишнинг афзалликларини айтиб беринг.
9. Масофадан ўқитиш моделларини санаб беринг.

МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Муаммоли ўқитиш моҳияти, вазифалари

Таълимдаги оғзаки, кўрсатмали ёки амалий методларнинг ҳар бири бола онгида муаммоли вазият яратиши мумкин. Шу муносабат билан педагогикада муаммоли таълим ҳақида ҳам сўз юритилади.

Таълимга муаммоли ёндашиш ўқув дастурларида ҳам, ўқувчиларнинг мустақил иши ва бошқаларда ҳам ўзининг ифодасини топиши лозим.

1. Билимларни муаммоли баён қилиш;

2. Баённинг айрим босқичларида ўқувчиларни изланишта ундаш;

3. Таълимнинг тадқиқий методи.

Муаммоли таълимнинг учта турини бирлаштирувчи умунийлик муаммони ҳал қилиш воситасида ўқитишидир. Улар ўқитувчилар мустақил изланиш фаолиятининг даражаси билан фарқланади.

Муаммоли таълим деганда ўқув материалини ўқувчилар онгига илмий изланишга ўхшашибилиш вазифалари ва муаммоларини вужудга келтирадиган йўсинда ўрганиш тушунилади.

Ўқувчи (талаба)нинг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятлар вужудга келади ва улар талаба (ўқувчи)ни объектив равишда изланишга ва мантиқан тўғри илмий хуросалар чиқаришни ўрганишга даъват этади.

Ўқувчи ёшларнинг фикрлаш фаолиятида муаммоли вазиятларнинг шаклланиши уларнинг шахсида қизиқувчанлик, ўткир зеҳнлилик, мустақиллик, ўқишига қизиқиш ва ижодга интилиш қаби фазилатларни тарбиялайди.

Муаммоли таълим — илмий билишни ривожлантириш зарурлигини ифодалашнинг субъектив шаклидир. У муаммоли вақтнинг янги жамият ривожланиши жараёнида билиш ва билмаслик ўртасида объектив равишда вужудга келадиган вазият.

Муаммоли вазият ўқувчининг маълум руҳий (психик) ҳолати бўлиб, бу ҳолат маълум тоншириқни бажариш (масала ечиш, саволга жавоб топиш) жараёнида зиддиятни англаш туфайли вужудга келади. Ана шу зиддиятни англаш ўқувчиларда предмет тўғрисидаги, ишни бажаришнинг усули ёки шартлари тўғрисидаги янги билимларни излаш эҳтиёжини уйготади.

Ўқувчиларда билишга ҳавас, излаш-қидиришга ундайдиган, масалани ҳал қилиш жараёни билан боғлиқ интеллектуал ҳислар ва руҳий кечинмалар ҳосил қиласидиган муаммоли вазият яратиш лозим. Шунда у ўқув материалини ўқиши, яхши баҳолар олиш ва ўқитувчиларнинг талабларини бажариш зарур бўлгани учунгина эмас, балки излаш-қидиришга ва қўйилган муаммони ҳал қилишга шахсан қизиққаи ишни интилгани учун ҳам ўзлаштиришга ҳаракат қиласидиган.

Илмий каşфиётлар тарихини ва улар муносабати билан олимлар ҳаётида содир бўлган ҳодисаларни қизиқарли баён қилиш ҳар нарсани билишга кучли ҳавас уйготиш учун ва муаммоли вазиятларни яратиш учун негиз бўла олади.

Лекин ўқитувчи шуни эсда тутиши керакки, ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштиришлари учун фақат муаммоли вазиятларнинг ўзи кифоя қилмайди. Муаммо ва вазифалар қўйиш билим олишда фаолликни ва қизиқишни оширади, аммо муаммони ҳал қила билиш зарур. Фақат муаммони ҳал қилиш билан ўқувчилар ўзларининг илмий қоида ва назарияларни ўрганиш усулларини яратади, аммо инсоният босиб ўтган ва фанда аниқ

белгилаб қўйилган йўл билан бора оладилар, холос. Шунинг учун муаммоли таълим ўқув материалини ўрганишнинг анъанавий, тушунтириш-намойиш усулларига асосланган.

Муаммоли вазиятлар яратиш ўқувчиларнинг фикрий фаолиятини ташкил этиш йўлларидан бири бўлиб, бошқа ўқитиш методлари билан биргаликда ўқув материалини анча муваффакиятли ва мақсадга мувофиқ ҳолда ўрганишга ёрдам беради.

МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

ЎҚИТИШНИНГ МОДУЛ ТИЗИМИ МОҲИЯТИ

„Модулли ўқитиши“ атамаси халқаро тушунча — модул билан бөглиқ бўлиб, унинг битта маъноси — фаолият кўрсата оладиган ўзаро чамбарчас бөглиқ элементлардан иборат бўлган тутунни билдиради. Бу маънода у, модулли ўқитишининг асосий воситаси сифатида, тугалланган информация блоки сифатида тушунилади.

Модул фанининг фундаментал тушунчалари маълум ҳодиса ёки қонун, ёки бўлим, ёки маълум бир йирик мавзу, ёки ўзаро бөглиқ тушунчалар ғуруҳини ўз ичига олади.

Модул бу ўқув материалининг мантиқан тугалланган бирлиги бўлиб, ўқув фанининг бир ёки бир неча фундаментал тушунчаларини ўрганишга қаратилгандир.

Модулли ўқитиши — ўқитишининг истиқболли тизимларидан бири ҳисобланади, чунки у одам бош миясининг ўзлаштириш тизимига жуда яхни мослашган. Модулли ўқитиши асоси инсон бош мияси тўқималарининг модули ташкил этилганига таянади.

Инсон бош мияси тўқимаси қарийб 15 миллиард нейронлардан (нерв ҳужайралари) ёки шартли модуллардан иборат. Тўқима ҳужайралари бир-бири билан кўп сонли тўқнашувларда бўлади. Бир ҳужайра ва унинг ўсимтасининг бошқа ҳужайра ва унинг ўсимтаси билан тўқнашувлари сони 6000 гача етади.

Демак, бош мия тўқимасидаги тўқнашувлар (контактлар) сони астрономик сонни (15000000000 x 6000) ташкил этади. Шу нуқтаи назардан модулга ўқув жараёнининг бир хужайраси сифатида қаралади.

Бу хужайра бир вақтнинг ўзида информацион умумийликка ўзига хос яхлитлик ва тизимлиликка эга бўлган турли элементлардан ташкил топган бўлади.

Ўқитишининг модул тизими ҳақида расмий равишда биринчи марта 1972- йил ЮНЕСКОнинг Токиодаги бугунжаҳон конференциясида сўз юритилган эди. Модулли ўқитиши технологияси — функционал тизимлар, фикрлашнинг нерофизиологияси, педагогик-психологияларнинг умумий назариясидан келиб чиқади.

Бу соҳалардаги изланишларга кўра, тўқимаси модулли ташкил топган инсон мияси информациини квант кўринишида (бошқача айтганда маълум порциялар кўринишида) жуда яхши қабул қиласади.

Одатда, модул — 3—6 соатли маъruzавий машгулотлар ва шу билан боғлиқ амалий (семинар) лаборатория машгулотларидан иборат бўлади.

Фан тушунтирув аппаратининг қатъий тизимли (кўп қиррали) таҳлили остида энг самарали модул тузилади. Бу эса фундаментал иборалар гуруҳини ажратиш, материални мантиқан компакт гуруҳлаш имкониятини беради. Модул — мустақил таркибий бирлик бўлгани учун баъзи ҳолларда алоҳида талабаларга фанни тўлалигича эмас, балки фақатгина бир қатор модулларини тинглаш имкониятини беради. Бу эса иқтидорли талабаларнинг индивидуал ва мустақил ишларини оптимал режалаш имкониятини тутдирали.

Модулли ўқитишида ўқув дастурларини тўла, қисқартирилган ва чуқурлаштирилган табақалаш имконияти мавжуд. Яъни ўқитиши индивидуаллаштириш мумкин.

Модулли ўқитишга ўтишда қуидаги мақсадлар кўзланади:

- ўқитишнинг (фанлар орасида ва фаннинг ичида) узлуксизлигини таъминлаш;
- ўқитишни индивидуаллаштириш;
- ўқув материалини мустақил ўзлаштириш учун етарли шароит яратиш;
- ўқитишни жадаллаштириш;
- фанни самарали ўзлаштиришга эришиш.

Шундай қилиб, модулли ўқитишда талабаларнинг ўз қобилиятига кўра билим олишлари учун тўла зарур шарт-шароитлар яратилади.

Ўқитишнинг модул тизимига ўтиш самарадорлиги қуидаги омилларга боғлиқдир:

- ўқув муассасасининг моддий-техникавий базаси даражаси;
- профессор-ўқитувчилар таркибининг малакавий даражаси;
- талабаларнинг тайёргарлик даражаси;
- кўзланган натижаларни баҳолаш;
- дидактик материаллар ишлаб чиқиш;
- натижаларнинг таҳлили ва модулларни оптималлаштириш.

Модулли ўқитишга ўтишда қуидагиларни амалга ошириш лозим:

- ишчи ўқув режанинг чуқур таҳлили асосида ўзаро чамбарчас боғлиқ фанлар грухни аниқланади, яъни бутун ўқув режасига алоҳида макромодуллар тўплами сифатида қаралади.

Кўпчилик ҳолларда қуидаги уч турдаги макромодуллар тузилиши мумкин:

- а) гуманитар фанларни ўз ичига оладиган;
- б) иқтисодий фанларни ўз ичига оладиган;
- в) умумтаълим, умумтехник, умумкасбий ва маҳсус фанларни ўз ичига оладиган.

Ҳар қайси макромодулнинг мутахассисни шакллантиришда ўз мақсад ва вазифаси бор. Маълум макромодулни ўрганиш мақсади унга кирадиган фанларни ўрганиш мақсадларидан келиб чиқади.

Ҳар қайси макромодулни ўрганиш мақсадлари тўплами давлат таълим стандартларида ажс эттирилган бўлиб, мутахассис кадр тайёрлашнинг бош мақсадини ташкил этади.

Макромодулларнинг мақсади аниқ тузилган ва унинг биринчи фани ўрганила бошлагандага талабаларга етказилиши лозим. Макромодулнинг ҳар бир кейинги фани ўрганила бошлаганида эса, у фанни ўрганиш мақсадлари талабаларга етказиласди:

Ҳар қайси макромодул ичидаги ўрганиладиган фанларнинг оптималь кетма-кетлиги ва уларни ўрганиш муддатлари ўрнатиласди (11- жадвал).

11- жадвал

**„Касбий педагогик тайёргарлик“ йўналишлари учун
макромодул тузилмаси (психологик-педагогик цикл
фанлари мисолида)**

№	Фанлар номи	Семестрлар ва аудитория соатлари сони						
		I	II	III	IV	V	VI	VII
1	Ёш даврлар физиологияси ва гигиенаси	64						
2	Психология		100					
3	Педагогика			72	70			
4	Дидактик воситалар мажмуасиии лойиҳалаш				50			

5	Янги педагогик технологиялар					36		
6	Касбга йўналтириш						42	
7	Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими методикаси					72	56	
8	Психолого-иедагогик диагностика							54
9	Педагогик маҳорат							5 4

Ўқитишининг узлуксизлигини таъминлаб, фанларнинг ўрганилиш муддатларини ва шу орқали макромодулнинг ўрганилиш муддатларини қисқартиришига эришиш зарур.

Ўқув соатлари ҳажми катта бўлмаган (ҳафтада 1—2, айрим ҳолларда 3 соатли аудитория машғулотлари) фанлар, блок фанлар рўйхатига киритилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, улар ўқув семестрининг биринчи ёки иккинчи ярмида ўтилиши мумкин.

Макромодуллар вертикал ўзаро боғлиқликлар асосида тузилади, аммо уларнинг ўрганилиш муддатларини ўрнатишида макромодуллар орасидаги горизонтал боғлиқликлар ҳисобга олиниши лозим: ўқув материалининг такрорланишининг олдини олиш мақсадида, макромодулга кирувчи фанлар, ўқув дастурларининг ўзаро боғлиқлиги таъминланади.

Фаннинг ишчи ўқув дастури, алоҳида мавзуларнинг модулда гуруҳланиши инобатга олиниб, қайтадан кўриб чиқиласди. Ҳар қайси модул учун назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган мақсадлар тузилиши зарур.

Модул ўз ичига 2—3 маъруза ва шу маърузалар билан боғлиқ амалий дарслар ва лаборатория ишларини қамраб олиши мумкин.

Ҳар қайси модул бўйича қўйидаги материаллар тайёрланади:

- талабаларниң билимини назорат қилиш учун тестлар;
- индивидуал ишлар учун топшириқлар;
- мустақил ишлар учун топшириқлар;
- ўқув услубий тарқатма материаллар;
- ўқув-илмий адабиётлар рўйхати;
- ишчи ўқув дастури.

Ҳар бир модул тест синовлари билан тугалланиши лозим: жорий модул учун у ўтилган материалнинг назорати бўлса, кейинги модул учун кириш (бошлангич) назорати бўлади.

Ҳар қайси модул учун тарқатма ва тасвирли материаллар тўплами тузилади ва улар талабага машгулотдан олдин берилади.

Модул тавсия қилинадиган адабиётлар билан таъминланади. Ҳар бир талаба материалларни ўзлаштира бориб, бир модулдан иккинчи модулга ўтади. Иқтидорли талабалар бошқаларга боғлиқ бўлмасдан тест синовларидан ўтишлари мумкин. Педагогнинг вазифаси — информацион назоратдан бошлаб маслаҳат-мувофиқлаштирувчига ўзгариши мумкин.

Модулли ўқитиши фаннинг асосий масалалари бўйича умумлаштирилган информациялар берувчи муаммоли ва йўриқли маърузалар ўқилишини тақозо этади. Маърузалар талабаларниң ижодий қобилиятини ривожлантиришга қаратилмоги лозим. Модулнинг амалий ва лаборатория машгулотлари маърузалар билан бирга тузилади, улар маърузалар мазмунини ўрганиладиган янги материал билан тўлдиради. Талабалар маълум амалий кўникмаларга эга бўладилар.

Маърузалар матнини тайёрлашда структуралаш ва тизимлаш усулларини қўллаб, материалларни блок-схема, расмлар блоки кўринишида тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Бунда материалнинг ўзлаштириш самарадорлиги ошади, чунки:

- модулнинг пировард мақсади тушуниб етилади;
- ўқув материалининг элементлари орасидаги боғланишлар ва унинг ўтишлари яққол қўрсатилади;
- асосий жиҳатлари ажратиб қўрсатилади;
- ўқув материалининг (модулнинг) бутун ҳажми талабанинг кўз олдида гавдаланади.

Модул тизимида ўқув материалининг мазмунини структуралашда, энг аввало, информацияни „сиқиши“ вазифаси кўзланади.

Билимларни тўла, фойдаланиш учун қулай ҳолда тақдим этишга ҳаракат қилиш лозим.

Ўқув информацияси бир вақтнинг ўзида 4 хил — расмли, сонли, символли ва оғзаки кўринишида узатилганида энг мустаҳкам ўзлаштиришга эришилади.

Модулли таълим методикасини тузишда юқоридаги ҳолат асос бўлиб хизмат қиласи. Ҳар қайси модул бўйича расмлар блокларида символли аломатларни (саволлар қўйилиши тарзида) жойлаштириш, саволларни расм тарзида тасвирлаш, формуалар, жадваллар, графиклар ва услубий қўрсатмаларни тақдим этиш мақсадга мувофиқдир.

Расмлар блоки, схемалар блоки ва бошқа суратли (кўргазмали) материаллар талабалар учун тарқатма материал вазифасини ҳам бажаради. Шу билан бир қаторда ҳар бир фан, жумладан, модул учун атамаларнинг изоҳли лугатини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Модулли ўқитишнинг самарадорлигини описиришга эришиш учун ўқитишнинг қуйидаги усулларини қўллаш лозим: миялар ҳужуми, муаммоли

мулоқотлар, эвристик сұхбатлар, ўқув-үйинлар ва ҳоказо.

Үқитишининг модул тизими мазмуніда унинг қуидаги афзалліктері намоён бўлади:

— фанлар, фанлар ичида модуллар орасидаги үқитиш узлуксизлиги таъминланishi;

— ҳар бир модул ичида ва улар орасида ўқув жарайёни барча турларининг методик жиҳатдаи асосланган мувофиқлиги ўрнатилиши;

— фаннинг модулли тузилиши таркиби мосланувчанлиги;

— талабаларнинг ўзлаштиришини мунтазам ва самарали назорат (ҳар қайси модулдан сўнг) қилиш;

— талабаларнинг қобилиятларига кўра табақаланишлари (дастлабки модуллардан сўнг ўқитувчи айрим талабаларга фанни индивидуал ўзлаштириши тавсия этиши мумкин);

— информацияни „сиқиб“ бериш натижасида ўқиши жадаллаштириш, аудитория соатларидан самарали фойдаланиш ва ўқув вақти таркибини, маъruzавий, амалий (тажрибавий) машгулотлар, индивидуал ва мустақил ишлар учун ажратилган соатларни оптимальлаштириш.

Бунинг натижасида талаба етарли билим ва кўникмага ҳамда ўқувга эга бўлади.

Шундай қилиб, модулли үқитишдан фойдаланиб олий малакали мугахассисни тайёрлаш қуидагилар асосида таъминланади:

— үқитишининг узлуксизлиги (бунда фанларни ўзлаштириш самарадорлиги ошади);

— үқитишини жадаллаштириш (бунинг натижасида информациянинг кўп қисми индивидуал ва мустақил ишлап пайтида компьютер тармоқлари орқали ўзлаштирилади);

— ўқиши индивидуаллаштириш (талаба ўз қобилиятига кўра билим олиш имкониятига эга бўлади).

Модулли ўқитиши тамойиллари

Модулли ўқитиши технологиясига қуйидаги тамойиллар асос бўлади:

1. Тизимли квантлаш тамойили.

Бу принцип информациини „сиқиб“ бериш назарияси, муҳандислик билимлар концепцияси, дидактик бирликларни йириклиш назарияларининг талабларига асосланади. Шунингдек, бу принцип қуйидаги психолого-педагогик қонуниятларни ҳисобга олишни тақозо этади:

- катта ҳажмдаги ўқув материали қийинчилик билан ва хоҳишиз (исталмадан ҳолда) эсланади;
- маълум тизимда қисқартирилган ҳолда берилган ўқув материали осонроқ ўзлаштирилади;
- ўқув материалидаги таянч қисмларнинг ажратиб кўрсатилиши эслаб қолиш қобилиятига ижобий таъсир этади.

Шу билан бир қаторда ўқув материалининг асосини илмийлик ва фундаменталлик ташкил этиши лозим.

Модулда тизимли квантлаш тамойилига ўқув информациясининг тегишли структурасини тузиш йўли билан эришилади. Модул умумий кўринишда қуйидаги элементлардан иборат бўлиши мумкин:

- тарихий (муаммо, теорема, масала, тушунчаларнинг тарихига қисқача шарҳ бериш);
- муаммоли (муаммони шакллантириш);
- тизимли (модул таркиби тизимини намоён этиш);
- фаоллаштириши (янги ўқув материалини ўзлаштириши учун зарур бўлган таянч иборалар ва ҳаракат усулларини ажратиб кўрсатиш);
- назарий (асосий ўқув материали бўлиб, унда дидактик мақсадлар, муаммони ифодалаш, гипотеза (фараз)ни асослаш, муаммони ечиш йўллари очиб кўрсатилади);

- тажрибавий (тажрибавий материални (үқув тажрибаси, тажрибавий ишни ва бошқаларни) баён этиш);
- умумлаштириш (муаммо ечимининг тасвири ва модул мазмунини умумлаштириш);
- қўлланиш (ҳаракатларнинг янги усулларини ишлаб чиқиши ва ўрганилган материални амалиётда қўллаш бўйича масалалар тизими);
- хатоликлар (талабаларнинг модул мазмунини ўрганишдаги ўзлаштиришда кузатиладиган бир турдаги хатоликларини очиб ташлаш, уларнинг сабабини аниқлаш ва тузатиш йўлларини кўрсатиш);
- уланиш (ўтилган модулнинг бошқа модуллар билан, шу жумладан, ёндош фанлар билан боғлиқлигини намоён этиш);
- чуқурлаштириш (иқтидорли талабалар учун юқори мураккабли үқув материалини тақдим этиш);
- тест-синовлаш (модул мазмунини талабалар томонидан ўзлаштириш даражасини тестлар ёрдамида назорат қилиш ва баҳолаш).

Ўқув материалининг ўзлаштирилишида машгулотлар пайтида модулнинг амалий аҳамияти қай даражада очиб кўрсатилганлиги модул мазмунининг бошқа модуллар билан боғлиқлиги, шу модулни ўрганишдаги талабаларнинг бир хил хатоликлари таҳлили муҳим аҳамиятга эга.

2. Мотивация (қизикишни уйготиш) тамойили.

Бу тамойилнинг моҳияти талабанинг ўқув-билим олиш фаолиятини рагбатлантиришдан иборат бўлади. Бу асос солувчи қоидадир. Ўқув материалига қизиқишини уйготиш, билим олишга рагбатлантириш, машгулотлар пайтида фаол ижодий фикрлашга даъват этиш модулнинг тарихий ва муаммоли элементларининг вазифалари ҳисобланади.

3. Модуллилик тамойили.

Бу тамойил ўқитишини индивидуаллаштиришининг асоси бўлиб хизмат қиласи.

Биринчидан, модулнинг динамик структураси фан мазмунини уч хил қўринишда намоён этиш имкониятини беради: тўла қисқартирилган ва чуқурлаширилган. Ўқитишнинг у ёки бу турини танлаш талабага ҳавола қилинади.

Иккинчидан, усул ва шаклларнинг турличалигига ҳам модуллик намоён бўлади. Бу эса ўқитишни фаоллаштириш шакл ва усуллари (диалог, мустақил ўқиш, ўқув ва имитацион ўйинлар ва ҳоказо) ҳамда муаммоли маъruzалар, семинарлар, маслаҳатлар бўлиши мумкин.

Учинчидан, модуллик янги материални погонасимон ўзлаштиришни таъминлайди, яъни ҳар бир фан ва ҳар бир модулда ўқитиш оддийдан мураккабга қараб йўналган бўлади.

Тўртинчидан, модулга кирувчи ўқув элементларининг мосланувчанлиги туфайли ўқув материалини мунтазам равишда янгилаш турини имконияти туғлади.

4. Муаммолилик тамойили.

Бу тамойил муаммоли вазиятлар ва машгулотларнинг амалий йўналтирилганлиги туфайли ўқув материалининг ўзлаштирилиши самарадорлиги ошишига имкон беради.

Машгулотлар пайтида гипотеза қўйилади, унинг асосланганлиги кўрсатилиди ва бу муаммонинг ечими берилади. Кўпчилик ҳолларда ўқитувчилар дарсларда фақатгина далиллар келтириш билан кифояланадилар (улар ҳатто янги бўлса ҳам), аммо, мисол учун АҚШда, ўқитувчи масалани ўрганиш услубини, ўзи қўйган муаммонинг ечим йўлларини, тажриба хусусиятини, унинг натижаларини кўрсатади ва тушунтиради. Яъни у тадқиқотчи сифатида намоён бўлади. Бу эса талабани қизиқтириб қўяли, унда ижтимоий фикрлаш ва фаолликни туғдиради.

5. Когнитив визуаллик (күз билан күзатылалық тамойили).

Бу тамойил психолого-педагогик қонунияттардан келиб чиқали, уларга күра, ўқитищдаги күргазмалар сурат вазифасини ўтабгина қолмай, шу билан бирга, когнитив вазифани бажарған тақдирдагина ўзлаштириш унумдорлигини оширади. Айнан шунинг учун когнитив графика сунъий интеллект назариясининг янги муаммоли соҳаси бўлиб, мураккаб объектлар компьютер суратчалари кўринишида тасвир этилади. Модулнинг таркибий тузилмаси сифатида рангли бажарилган, когнитив график ўқув элементлари (расмлар блоки) хизмат қиласади. Шунинг учун расмлар модулнинг асосий бош элементи ҳисобланади: Бу эса:

Биринчидан, талабанинг кўриш ва фазовий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, яъни ўрганиш жараёнига миянинг тасвирий ўнг ярим шари бой имкониятлари қўшилади.

Иккинчидан, ўқув материали мазмунини ўзида зич жойлаштириб, равшан кўрсатувчи сурат (расм) тала-бада тизимли билим шаклланишига ёрдам беради.

Учинчидан, рангли суратлар ўқув информацион материални қабул қилиш ва эслаш самарасини оширади ҳамда талабаларни эстетик тарбиялаш воситаси бўлиб хизмат қиласади.

Инсоннинг билим олиши фикрлашнинг худди иккита механизмидан фойдаланганидек бўлади: уларнинг бири символли бўлса, иккинчиси геометрик (алгебраик) бўлади.

Когнитив графиканинг асосий вазифаси билим олиш жараёнини фаоллаштирувчи фикрлашнинг символли ва геометрик механизмларини ўз ичига олган билим беришнинг уйгунлашган моделларини яратишдан иборатdir.

График (кўзга кўринувчи) информация миянинг ўнг яримшари имкониятларини фаоллаш-

тиради, олий маълумотли мутахассис учун зарур бўлган тасвирий фикрлаш қобилиятини, интуициясини ривожлантиради. Буюк олим А. Эйнштейн айтганидек, „Интуиция ҳақиқатда энг катта бойликдир. Менинг ишончим комилки, бизнинг фикрлашимиз, асосан, символлар орқали, шу билан бирга, биз англамасдан кечади“. Ҳақиқатда илмфан гепотезасиз (фаразсиз), фараз эса интуициясиз мавжуд бўлмайди.

Шунингдек, кўргазмали информация оғзаки информациядан кўра аҳамиятлироқ ва унумлироқдир. Кўриш механизмининг информацияни ўтказиш қобилияти эшитишницидан кўра анча юқори. Бу эса, ўз навбатида, кўриш тизимиға инсон қабул қиласидан инфомациянинг қарийб 90 фоизини етказиш имкониятини беради. Ундан ташқари, кўргазмали информация бир вақтнинг ўзида берилади. Шунинг учун информацияни қабул қилиш ва эслашга оғзаки информациядан кўра кам вақт талаб этилади. Кўргазмали информация ишлатилганда таассурот ҳосил бўлиши оғзаки баёндан кўра ўртача 5—6 мартаба тезроқ кечади. Инсоннинг кўргазмали информациядан таъсирланиши оғзаки информациядан кўра анча юқори бўлади. Кўпчилик ҳолларда у охиргисини ўтказиб юборади. Кўргазмали информацияни қайта такрорлаш осон ва аниқроқдир. Одамнинг кўргазмали информацияга ишончи оғзаки информациядан кўра юқори бўлади. Шунинг учун „Юз бор эшигандан кўра, бир бор кўрмоқ афзалроқдир“, деб бежиз айтилмаган.

Шу билан бирга, кўргазмали информацияда қабул қилиш ва эслаш унуми уни кўрсатиш орасидаги муддатнинг узоқлигига боғлиқ бўлмайди, оғзаки информациянинг ўзлаштирилиши эса шунга боғлиқ. Ўрни келганда яна бир муҳим тафсилотни қайд этиш

лозимки, символли-күргазмали информацияни қабул қилиш ўқитиш самарасини оширади, яъни ўқув-илмий адабиётдан ва компьютер техникаси воситасида олинадиган информацияни қўпайтириш учун шарт-шароит яратиш зарур. Бу эса, ўқитишни индивидуаллаштириш зарурлигини кўрсатади.

6. Хатоликларга таяниш тамойили.

Бу тамойил ўқитиш жараёнида доимий равишда хатоликларни излаш учун вазият яратишга, талабаларнинг руҳий фаолияти функционал тизими таркибида олдиндан пайқаш тузилмасини шаклантиришга қаратилган дидактик материаллар ва воситаларни ишлаб чиқишга йўналтирилган бўлади.

Бу тамойилнинг амалга оширилиши талабада танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради.

7. Ўқув вақтини тежаш тамойили.

Бу тамойил талабаларда индивидуал ва мустақил ишлаш учун ўқув вақтининг заҳирасини яратишга йўналтирилган. Тўгри ташкил этилган модулли ўқитиш ўқиш вақтини 30% ва ундан ортиқ тежаш имкониятини беради. Бунга модулли ўқитишнинг барча принциплари тўла амалга оширилганда, ўқув жараёни компьютерлаштирилганда, ёндош фанларнинг ўқув дастурлари мувофиқлаштирилганда эришиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. **Каримов И. А.** Баркамол авлод орзуси. Т.: „Шарқ“, 1999 й.
2. Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётиning пойдевори. Т.: „Шарқ“, 1997 й.
3. **Саидаҳмедов Н.** Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт) Т.: „Молия“, 2003 й.
4. **Фарберман Б.** Илгор педагогик технологиялар. Т.: „Фан“, 2000 й.
5. **Аристанов М. Ж., Педкасистый П. И., Хадаров Ж. С.** Проблемы модельного обучения: вопросы теории и технологии, Алма ата, „Мектеп“, 1980 й.
6. **Джураев Р. Х.** Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехучилищ. Т.: „Фан“, 1992 й.
7. **Кларин М. В.** Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта. М.: „Знание“, 1983 й.
8. **Кларин М. В.** Педагогическая технология в учебном процессе. М.: „Знание“, 1989 й.
9. **Нишионалиев У.** Инструментарий обучения, воспитание и развитие. „Учитель Узбекистана“, 7.10. 1998 й.
10. **Беспалко В. П.** Слачаемые педагогической технологии. М.: „Педагогика“, 1989 й.
11. **Монахов В. М.** Аксиоматической подхот к проектированию педагогической технологии. М.: „Педагогика“, 1997 й.
12. **Голиш Л. В.** „Замонавий таълим технологиялари: мазмун, лойиҳалаштириш ва амалга ошириш“. Экспресс-қўлланма. Т.: 2001 й.

13. Голиш Л. В. „Таълимнинг фаол усуллари: мазмунни, танлаш, амалга ошириш“. Экспресс-қўлланма, Т.: 2002 й.
14. Зиёмуҳаммедов Б., Абдуллаева Ш. Илгор педагогик технология: назария ва амалиёт. Т.: 2001 й.
15. Селевко Г. К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. М.: „Народное образование“, 1998 й.
16. Парпиев А. П., Мирзаев Ч. Э, „Таълим жараёнини лойиҳалаштириш муаммолари // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари“. ТИКХМИИ, 18—19 май 2001 йил. Т. : 2001 й.
17. Парпиев А. П. „Замонавий педагогик технологиялар — таълим жараённида. // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари“, ТИКХМИИ, 18—19 май 2001 йил. Т.: 2001 й.
18. Мусаев Р. С. „Ўқитишинг замонавий технологиилари. // Республика илмий амалий конференцияси материаллари“. ТИКХМИИ, 18—19 май 2001 йил. Т.: 2001 й.
19. Ишматов К. Илгор педагогик технологиялар фанидан маъruzалар матни. Наманган: 2001 й.
20. Азизхўжаева Н. Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Т.: ТДПУ, 2003 й.
21. Раҳмонқурова С. И., Розиев Ф. З. Виртуал кутубхона. Т. : 2000 й.
22. Мараҳимов А. Р., Раҳмонқурова С. И. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. Т.: 2001 й.
23. Арипов М., Ҳайдаров А. Информатика асослари. Т.: „Ўқитувчи“, 2002.
24. Синдарова Ф., Сайфуров Д. Масофадан ўқитиши — кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш омили. // Касб-хунар таълими. №4, 2003.
25. Сайфуров Д. Масофадан ўқитиши тизимининг шаклланиши ва ривожланиши. // Касб-хунар таълими. №6, 2004.

26. **Баҳромов А.** Малака ошириш тизимида янги ахборот технологиялари. // Халқ таълими. №4, 2000.
27. **Гузаев В.** От метод — к образовательной технологии //Народное образование. 1998, №5
28. **Подласый И. П.** Педагогика. М.: „Владос“, 1999. 2 т.

Интернет маълумотлари

29. **Охунов Р.** „Виртуал кутубхона“. info @ bilimdon uz
30. **Розиев Ф.** „Янги информацион технологиялар“. info @ bilimdon uz

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
-------------------	---

I БОБ. ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРЙ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

Таълимга анъанавий ёндашув.....	5
Таълимга тушунтирув-тасвирий ёндашув.....	5
Таълимга продуктив ва изланувчан ёндашув.....	9
Таълимга тизимли ёндашув.....	11
Таълимга технологик ёндашув.....	12

II БОБ. ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ

Педагогик технологиянинг ривожланиш тарихи.....	20
Кафолатланган ўқув натижаларига эришиш мақсадларини лойиҳалаш.....	23
Ўқув мақсадларини тест томшириқларига айлантириш.....	31
Тест томшириқларининг шакллари.....	34
Кафолатланган ўқув мақсадларига эришиш.....	39

III БОБ. КОМПЬЮТЕРЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Информацион технологияларни ўқитиш жараёнида қўллаш.....	43
Компьютерли ўқитиш технологиясининг жараёнили хусусиятлари.....	44
Ўқитишнинг мультимедиа технологияси.....	45
Масоғадан ўқитиш технологияси.....	48

IV БОБ. МУАММОЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Муаммоли ўқитиш моҳияти, вазифалари.....	55
--	----

V БОБ. МОДУЛЛИ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Ўқитишининг модул тизими моҳияти.....	57
Модулли ўқитиши тамойиллари.....	63
Фойдаланилган адабиётлар.....	69

**З. К. ИСМАИЛОВА, Р. С. МУСАЕВ,
А. А. ШОЮСУПОВА**

ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

(Ўқув қўлланма)

Муҳаррир: *С. Хўжааҳмедов*

Бадиий муҳаррир: *Ш. Ҳоджаев*

Компьютерда саҳифаловчи: *А. Рассаков*

Мусаххих: *М. Мирсалихов*

Босишга руҳсат берилди 16.09.2008. Бичими $84 \times 108^1 /_{16}$.
Кетили 11 шонли. Шартли бет. 88. Босма табоги 5,5
100 нусхада босилди. Буюртма № 167 ТИМИ босмахонасида
чоп этилди. Тошкент 700 000, Қори-Ниёзий кўчаси 39 уй.

